

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

УДК: 391(575,1)(09)

Қўлёзма ҳуқуқида

Нурматова Мохира Иброҳим қизи

АЁЛЛАР ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАРИНИ БАДИИЙ БЕЗАШДА
МИЛЛИЙ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ УСЛУБЛАШТИРИШ

5A1500901- Дизайн (Костюм дизайни)

Магистрлик

Академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

архитектура. ф.н., доц.

Нурмухамедова Ш.З.

Илмий маслаҳатчи:

ф.ф.н., доц Рахматуллаева У.С.

Тошкент -2015

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Тошкент Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институтини

Факултет_Енгил Саноат Технологияси Магистратура талабаси_ Нурматова М.И

Кафедра_Либослар дизайни

Илмий рахбар_Нурмухамедова. Ш.

Ўқув йили_2013-2015

Мутахассислиги_5A150901

Магистрлик Диссертацияси Аннотацияси

-Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Узоқ йиллар давомида унут бўлган миллий кадриятлар намуналарини қайта тиклаш борасида шу кунга қадар бир қатор тадқиқот ва изланишлар амалга оширилди.

- Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти – миллий заргарлик буюмларини услублаштириб, аёллар замонавий либосларини безашда қўллаш; предмети эса аёллар замонавий либосларини бадиий безаш турларини ўрганиш.

- Тадқиқот мақсади ва вазифалари- аёллар замонавий либосларини бадиий безашда миллий заргарлик буюмларини услублаштиришдан иборат.

-Тадқиқотнинг илмий янгилиги: ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириб, уларни услублаш ҳамда улардан фойдаланиб аёллар либосини бадиий безашдан иборат.

-Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: ўзбек миллий заргарлик буюмларини услублаштириш миллий кадриятларимизнинг намуналарининг сақланиб қолишига ва моданинг ривожланишига ёрдам беради.

-Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили: аёллар замонавий либосларини бадиий безашнинг турли хил усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар изланиш олиб боришган.

-Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: ворисийлик, тарихийлик, анализ ва синтез, умулаштириш, тизимлаштириш, услублаштириш, конструктив-технологик ва б.

-Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: ўзбек миллий заргарлик буюмларини ўрганиб таҳлил қилиш ва улар асосида янги услублаштирилган намуналарни яратиш мазкур соҳа тадқиқотларининг келгусидаги ривожига илмий замин яратади.

-Иш тузилмасининг тавсифи: Диссертация Кириш, 9 параграфни ўз ичига олган 3 боб, Хулоса, Илова ва Адабиётлар рўйхатидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 80 бетни ташкил этади.

-Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси: Аёллар замонавий либослари таҳлил этилиб, либослари бадиий безашда янгилик киритилди.

Илмий рахбар: Нурмухамедова .Ш.

.

Магистратура талабаси:.М25-13Нурматова М.

.

.

TASHKENT INSTITUTE OF TEXTILE AND LIGHT INDUSTRY

Department Technology of Light Industry

Master Nurmatova M.I.

Department of Fashion Design
Sh.

Scientific Advisers Nurmuhamedova

The academic year 2013-2015

Major 5A150901

ANNOTATION OF MASTER'S DISSERTATION

Actuality of the work: Several researchs were done on resuming the samples of national customs forgotten for many years.

Object and subject of the research: Object of the research is improving the national jewelry style, using and dressing the jewelry on women's modern dress. Subject is studying the types of art ornament of women's modern dress. Subject is studying the types of art ornament of women's modern dresses.

Aim and tasks of the work: stylish of national jewelry in art ornament of women's modern dresses. Novelty art ornament of women's dress by using of styling them by systematizing the uzbek national jewelry.

Hypothesis and questions of the research: styling the uzbek national jewelry helps to develop fashion and to save the samples of national tradition of styling the uzbek national jewelry.

Analyze of the research: several scientists have researched the creating various ways of art ornament of women's modern dress. Methodology and methods of the research heritage, history, analyze, uzbek national jewelry and creating the new styling samples on them will develop this kind of branch.

Structure of the research: dissertation work consist of introduction, 9 paragraphs, 3 chapters conclusion notes and list of literature, 80 pages.

Scientific Advisers: Nurmuhamedova Sh. _____

Master: Nurmatova M.I. _____

МУНДАРИЖА:

Кириш	1
I.боб. Адабиётлар шархи.	
1.1. Аёллар замонавий либосларини бадий безаш турларини таҳлил қилиш	4
1.2. Ўзбек миллий заргарлик буюмларининг тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш.....	10
1.3. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқиш технологиясини ўрганиш.....	28
1.4. Ўзбек ёғоч ўймакорлиги нақшларини ўрганиш.....	43
II-боб.Тажриба синов қисми.	
2.1.Ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириш.....	49
2.2.Ўзбек миллий заргарлик нақшларини услублаштириш.....	58
2.3.Бадий безашда заргарлик буюмларидан фойдаланиб аёллар замонавий либосларини лойиҳалаш.....	60
III- боб. Конструктор-технологик қисми.	
3.1. Ижодий манбаани танлаш услублаш.....	69
3.2.Либослар тўплами дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш.....	70
3.3.Конструктив- технологик қисми.....	74
Хулоса	78
Адабиётлар рўйхати	80
Илова	83

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Узоқ йиллар давомида унут бўлган миллий қадриятлар намуналарини қайта тиклаш борасида шу кунга қадар бир қатор тадқиқот ва изланишлар амалга оширилди. Юртбошимиз И.А.Каримов сўзлари билан айтганда: “Бугунги кунда халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистонимизга, унинг тарихан қисқа даврда қўлга киритган улкан марраларига, эл-юртимизнинг анъанавий илдизлари, урф-одат ва анъаналарига, бир сўз билан айтганда, ўзбек характери, ўзбек табиатига бутун дунёда қизиқиш ва ҳурмат тобора ортиб бормоқда”[1].

Ушбу пирхикмат фикрлар нафақат ўзбек халқи кийиниш маданиятига, балки ўзбек миллий амалий санъатининг бир қисми ҳисобланган заргарлик буюмларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг **долзарблиги** қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Ўзбек миллий заргарлик буюмларини тарихини ўрганиш малакали мутахассисларнинг асосий вазифаси саналса, уларни тизимлаштириш ва услублаштириш ҳамда улардан аёллар замонавий либосларини бадий безашда фойдаланиш бугунги кун долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти – миллий заргарлик буюмларини услублаштириб, аёллар замонавий либосларини безашда қўллаш; предмети эса аёллар замонавий либосларини бадий безаш турларини ўрганиш.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: аёллар замонавий либосларини бадий безашда миллий заргарлик буюмларини услублаштиришдан иборат.

Вазифалари:

- ўзбек миллий заргарлик буюмларининг тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- аёллар замонавий либосларини бадиий безаш турларини ўрганиш;
- аёллар замонавий либосларини дизайндаги ўрнини таҳлил қилиш;
- ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириш;
- ўзбек миллий заргарлик буюмларини услублаштириш;
- бадиий безашда заргарлик буюмларидан фойдаланиб аёллар замонавий либосларини лойиҳалаш;
- ижодий манбани танлаш ва услублаш;
- либослар тўплами дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш ва асослаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириб, уларни услублаш ҳамда улардан фойдаланиб аёллар либосини бадиий безашдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: ўзбек миллий заргарлик буюмларини услублаштириш миллий кадриятларимизнинг намуналарининг сақланиб қолишига ва моданинг ривожланишига ёрдам беради.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили: аёллар замонавий либосларини бадиий безашнинг турли хил усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар изланиш олиб боришган. Жумладан, “Ўзбекистон заргарлик санъати”ни Д. А. Фахретдинова, “Ўзбек халқ амалий безак санъати” С.Булатовлар томонидан ўрганилган [2]. Шунингдек, ўзбек миллий заргарлик буюмларини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқотчилар иш олиб боришган. Санъатшунос Бинафша Нодир “Сурхондарё миллий заргарлик буюмлари”ни ўрганган бўлса, Элмира Гул “Бухоро ва Хоразм заргарлик санъати”ни, Зафара Алиева “Қорақалпоқларнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги урф-одатлари билан боғлиқ заргарлик буюмлари”ни [3], Улуғбек Холмуродов эса “Ўзбек миллий заргарлик буюмларини замонавий руҳда

услуглаштириш”ни амалга оширган. Аммо шу кунга қадар ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириб, замонавий руҳда услублаштирилиб, аёллар замонавий либосларини безашда фойдаланилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: ворисийлик, тарихийлик, анализ ва синтез, умулаштириш, тизимлаштириш, услублаштириш, конструктив-технологик ва б.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: ўзбек миллий заргарлик буюмларини ўрганиб таҳлил қилиш ва улар асосида янги услублаштирилган намуналарни яратиш мазкур соҳа тадқиқотларининг келгусидаги ривожига илмий замин яратади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти, унда олиб борилган тадқиқотлар натижасида берилган фикрлар, хулосалар миллий қадриятларимизнинг сақланиб қолишига, авлоддан-авлодга ўтишига ҳамда либос дизайни соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи: Диссертация Кириш, 9 параграфни ўз ичига олган 3 боб, Хулоса, Илова ва Адабиётлар рўйхатидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 80 бетни ташкил этади.

I.боб. Адабиётлар шарҳи.

1.1. Аёллар замонавий либосларини бадий безаш турларини таҳлил қилиш

Аёллар замонавий либосларини бадий безаш, бу либосга эстетик ва ғоявий бадий мазмун бахш этади. Безаш санъати инсон хизматидаги буюмларга безак бўлиб, шу билан бир қаторда инсонга эстетик, ғоявий ва бадий таъсир кўрсатади, инсон моддий муҳитининг кўрки, нафосати сифатида намоён бўлади. Бадий безаш дизайн усталари фаолияти билан узвий боғлиқ равишда ривожланади. Аёллар бўйнига мунчоқ, бармоғига узук, қўлига билагузук тақиб ўзларини безатганлар. Шу тарзда асрлар мобайнида безаш санъати шаклланган. Аёллар либосларини бадий безаш аёлларнинг моддий ва маънавий қизиқишларини ўзида намоён этади.

Модада янги силуэт, шакл, пропорциялар, чизиклар, ранг бирикмалари, ассортимент ва бошқа изланишлар одатда башанг кийимдан бошланади. Башанг кийим ижодий объект сифатида дизайнер учун ғоят қизиқарли. Бу ҳолда дизайнернинг фантазияси, унинг индивидуаллиги ва диди тўлиқ намоён бўлади.

Мавсумга қараб кийим қишки, ёзги, кузги- баҳорги кийимларга ажратилади. Вазифасига ва кийиладиган мавсумига қараб, кийим турли материаллардан тикилади. Ишлатиладиган ашёсига қараб, кийим жун, ипак, пахта, зиғир, ярим жун, аралаш толали материаллардан, шунингдек, сунъий ва синтетик материаллардан тайёрланган кийимга бўлинади.

Либосни ҳажмли шакл деб қаралганда, унинг қандай матодан тикилганлигини аниқлаш керак (газламалар, трикотаж, мўйна, чарм, нотўқима матолар ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу материаллардан ҳар бирининг ўз пластик хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), декоративлиги (фактура, ранг, нақш гул), физик-механик, гигиеник хусусиятлари бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечим қандай ҳал этилишини албатта ушбу хусусиятлар белгилаб беради [4].

Ҳар қандай яратилаётган либослар тўплами аввало, либоснинг қоралама эскизларини чизишдан бошланади. Унда бир қатор омилларни инобатга олиш талаб этилади, яъни ёш бўйича тасниф, моданинг йўналиш ва услублари, матони танлаш, декоратив безак берилиши ва ҳоказо.

Дизайнернинг бош вазифаси – янги сиймолар, янги шакллар, технологик усуллар, кийимни моделлаштиришда янги тамойилларни ишлаб чиқишдан иборат. Дизайнерлар кийимларни лойиҳалашда янги усулларни яратишмоқда. Улар ўз навбатида бир неча вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган: авваламбор, инсон яшаётган муҳитнинг экологиясини инобатга олиши зарур, лойиҳани индивидуал шахсга инъом этиш ва ҳоказо. Дизайн маҳсулотларига кундан - кунга янги талаблар қўйилмоқда: биринчи навбатда улар гўзал бўлиши керак, шунингдек, одам руҳиятига яхши таъсир этиши, унда ижобий ҳисларни туғдириши, ижод қилишга имконият яратиб бериши лозим.

Олимларнинг фикрича, “Костюмни моделлаш ишида битта вазифа қўйилса, дизайн умумий муаммони ўз олдига қўйиб, уни ечишга уриниб кўради”[5].

Аслида, дизайнерлар дизайн соҳасида янги йўналишларга асос соладилар. Туғилган янги йўналишларга асосланиб, мавсумга мос бўлган янги тенденциялар кириб келади. Бугунги кунда дизайн соҳасида янги йўналиш ва мавсумий тенденциялар шу қадар кўпки, уларни бир-биридан ажратиш мушкулдир.

Бугунги кун дизайни кўпгина масалаларни ечиши мумкин, буларга:

- либосларда трансформациялаш усулини қўллаш;
- ўлчамсиз либосларни ишлаб чиқиш;
- янги либос намунасини яратишда оддий бичимдан фойдаланиш;
- турли ҳил ассортиментдаги кийимларнинг бир-бири билан уйғунлигини ҳосил қилиш;
- аралаш тенденцияларни ривожлантириш;
- аралаш усулларнинг уйғунлигини ҳосил қилиш;

-янги мато турларини ишлаб чиқиш;

-янги технологик усулларни тақдим этиш;

Булар натижасида инсонлар учун ихчам, қулай бўлган либоснинг янги шакллари ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Модельер – рассом ўз ишида унинг тасаввури ва фантазиясини озука бериб бойитадиган турли ижобий манбаларга мурожаат этади. Халқнинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги жамият ҳаёти, атроф-табиатнинг хилма-хиллиги, тарихий костюмлар ва халқ костюмларининг бойлиги, бадиий адабиёт, мусиқа, кино, театр ва ҳоказолар ҳозирги замон рассоми ижодининг манбалари бўлиб хизмат қилади. Рассом ўйларини етиштиришга ва конкретлаштиришга ёрдам берадиган айрим мотивлардан фойдаланиб, ана шу манбалардан ўз ғоялари ва образларини тўплаб боради [6]. Кийимнинг образли ифодавийлигига композиция санъати воситасида, яъни кийимни ташкил этувчи ҳажмлар, ранглар, чизиқлар, деталлар ва безак элементларини ягона узвий бир бутун қилиб бирлаштириш воситасида эришилади.

Ушбу жараёнларни таҳлил қилиш биринчи навбатда мураккаб бичимларнинг конструктив-декоратив жиҳатларини, безаклилик анъаналари, қолаверса, либос силуэтлари шаклланишининг асослари ҳақида аниқ фактлар воситасида хулосалар чиқаришини талаб этади.

Қадимдан нафақат кийимга, балки баданга ҳам безак бериш усулларидан фойдаланилган. Костюмнинг ривожланиб бориши билан безак нафақат баданга, балки турли матолар устига туширилди. Бу тасвирлар нафақат кийим беағи сифатида, балки диний-тасаввуф аҳамиятига эга бўлиб, жоду ва сеҳргарликдан ҳимоя воситасини ҳам бажарган.

Кийимга безак беришнинг қадимдан то ҳозирги кунга қадар бир неча усул ва воситалари мавжуд.

Костюмда декор (безак) — бу амалий аҳамиятга эга бўлмаган бадиий система бўлиб, кийимни беағ турувчи безакларнинг


йиғиндиси ҳисобланади. Декоратив элементлар кийимда конструктив ёки функционал вазифалар (чўнтаклар, витечки, тақилма, манжет ва б.) каби утилитар вазифани бажармайди. Аммо улар инсон костюмида аввалдан бўлиб, бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Безак беришнинг асосий вазифаларидан бири – кўзга ташланмайдиган ҳар қандай матони ҳам бадий безалган гўзал маҳсулотга айлантириб, томошабинга етказиб беришдан иборат.

Безак беришни учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Биринчи гуруҳга- кийимларни устига, деталларига ёки детал қисмларига бевосита безак, пардоз бериш билан кўрилади.
- Иккинчи гуруҳда- маҳсулотнинг ҳажмий шаклини берувчи ва кийимнинг айрим деталларини безшга қаратилган.
- Учинчи гуруҳга- кийимларга қўшимча бўла оладиган аксессуарларни киритиш мумкин.

Жадвалда тизимлаштирилган безаклар турларини кўриш мумкин.

Жадвал-1



Машина безак чоклари
Баҳя чоклари
Кашта
Аппликация
Тасма, иплар билан безак бериш
Тўрлар билан безак бериш

Тахламалар
Плиссе
Гофре
Қисқичлар
Буфлар
Волан, рюшлар.

Бирлашган безак деталлари
Шарфлар
Рўмоллар
Бўйин боғичлар
Гуллар
Безак элементлар
Кокилье
Ёқа ва белбоғлар
Манжет, тугмалар ва б.

Маълумки, ҳар бир безакнинг ўз ривожланиш тарихи мавжуд. Масалан, кашталарнинг пайдо бўлиши қадимги ибтидоий жамоа даврига тўғри келади. Аммо бу даврда кийимлар кўриниши ўта содда бўлган. Кашталарнинг юксак даражада ривожланиш даври антик даврга тўғри келади. Қадимги Мисрда кашталар билан жун, зиғир матолари ҳам безалган. Ҳиндистонда пахта толаларидан енгил оқ матолар ишлаб чиқарила бошлагандан сўнг унинг устига жун, шойи ва олтин иплар билан кашталар тикилган. Хитой ва Японияда кашталар рангли шойи иплар билан тикилган. Бундай ранглар уйғунлигида ғайриоддий ўсимлик ва қушлар, табиат манзаралари ҳосил қилинган.Шунингдек, Эрон ва Турк ҳудудларида қадимдан зардўзлк билан ишлаш кенг ёйилган.Қадимги юнон тарихчиси ва географ Страбоннингёзишича, юнонлар осиеликларнинг кийимлари тилла иплар билан тикилган кашталар ва рангли тошлар билан безатилганлигини кўриб ҳайратга тушишган[7].

Безак турлари бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга ва урф бўлиб келмоқда. Албатта, замонавий безак қадимий безаклардан тубдан фарқ қилади. Аммо уларнинг ҳар бири кийимни янада жозибали ва чиройли

кўринишига қаратилган.Юқорида келтирилишича, кийимга безак беришда аксессуарлардан ҳам фойдаланиш катта ютуқ беради. Аксессуарларга қўшимча деталларни киритар эканмиз, бугунги куда жуда урфга кирган бижутерия ва заргарлик буюмларга эътиборни қаратиш лозим. Либосни янада кўркам кўриниши учун ушбу аксессуарлардан фойдаланиш даркор.

1.2. Ўзбек миллий заргарлик буюмларининг тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш

Ўзбекистонда заргарлик санъати бундан бир неча минг йиллар муқаддам пайдо бўлган. Дастлабки тақинчоқлар қачон келиб чиққанлигини аниқлашнинг имкони йўқ, чунки неолит давридаёқ (миллодан аввалги IV аср охири, III аср бошитош ва чиғаноқлардан турли шаклдаги мунчоқ ва шокилалар тайёрлаш кенг тарқалганлигига қарама-қарши бўлиб қолган. Кунгирадор доира ва аствона (цилиндр) кўринишидаги чиғаноқлар хосилдорлик ва маъмурчилик рамзи сифатида фойдаланилган. Кишилар унча катта бўлмаган ясси тухумсимон тошлардан мунчоқ қилиб таққанлар. Ромб, суйри, учбурчак шаклдаги тош ва сопол парчаларидан шокилалар ясалган. Миллодан аввалги III минг йилликда феруза ва мармар нусха лаъл (оникс) дан думалоқ ва учли мунчоқлар ясалган. Мунчоқ яшаш учун устахоналар ва ёй парма сингари оддий асбоб-ускуналар ҳам бўлган. Булар зевар яшаш бундан анча илгари бошланганидан далолат беради. Дарҳақиқат, мунчоқ, шокилла сингари тақинчоқларнинг келиб чиқиши даврида улар инс-жинслардан асровчи тумор вазифасини ўтаганлар, хайвон ва қушларнинг тиш ва тирноқларидан қилинган шодалар эса овчининг жасорати ва маҳоратидан дарак берган. Тараққиётнинг палласидагина шакл бежиримлигига, буюмнинг ранг-жилосига, унинг яхши-ёмон ишланишига ижодий ёндашиш ҳаракати сезилган. Бироқ кейинги бир неча юз йилгача, халқ инс-жинсларга кўр-кўрона ишониш авж олиб турган паллада, бундай буюмлар фақат тумор сифатида фойдаланилар эди. Энеолит даврига келиб мунчоқларнинг хилма-хил шакллари юзага келди. Улар ложувард, оҳак, ҳақиқ сингари қимматбаҳо тошлардан ясалган. Бу жараён кейинги бринчи (бронза) даври (эрамингача III минг йиллик охири II миинг йиллик боши) гача давом этди. Бу даврга келиб, эрамингача бўлган XII-X асрларга тааллуқли металл тақинчоқлар- мис билагозук ва узуклар пайдо бўлди. Учи учлик юпқа халқа тилла сирғалар бизнинг давримизгача сақланиб келган. Босма

нақшлар билан зеб берилган айлана тўқима камарлар, рангли шиша, феруза, хақиқ ва ложуварддан қилинган мунчоқ ва шокиллар эрамиздан олдинги I минг йиликка тааллуқли безак буюмларидир. Уларнинг шакллари ғоят оддий бўлиб, гоҳ нақшсиз силлиқ гоҳ тўғри чизиклар- ё халқалар, турли нақшлар билан пардозланган.

Ўзбекистон заргарлик санъати тараққиёти Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ва этник тарихи, унга қўшни мамлакатлар халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг ўзаро тинч йўл билан бир-бирига яқинлашуви маданиятларини бойитган, улар бир-бирлари учун яқин, кадрли бўлган нарсаларни алмашганлар, бора-бора бу ҳар бир халқнинг маҳаллий санъатига сингиб кетиб, ўзига хослик ва мустаҳкам анъана касб этган.

Милоддан аввалги I-III асрлар мобайнида ҳукум сурган Аҳамонийлар сулоласига мансуб Амударё хазинасидаги ва ҳозир Англияда сақланаётган заргарлик буюмлари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ҳайвон тасвири туширилган ва феруза кўзлар қадалган очиқ тилла билагузуклар юксак маҳорат билан ишланган асарлар ҳисобланади. Гарчи у грек-форс туморларига ўхшаб кетсада, уларнинг келиб чиқиш жойи аниқланмаган. Хазинадан чиққан идишларда тасвир этилган зеб-зинатлар ўртасида турунж (медальон) ва шокиласи бор кенг тилла халқалар анча олдин вужудга келган. Айритом хайкчаларида, Болалик тепа ва Афросиёб деворларига ишланган расмларда тасвирланган зеби-зийнатларга жуда ўхшаб кетади. Қадимги грек тарихчиси Герадот (милоддан аввалги V аср) массагетлар ҳақида, “Улар бош киймларини, камарларини ва елкадан ошириб боғлайдиган тасмаларни олтин билан зийнатлайдилар”, деб ёзган эди [8].

Археологлар миллоддан аввалги I минг йиллик охири ва эрамизнинг даслабки асарларига оид учларида бир-бирига рўпара икки илон боши тасвирланган очиқ биринчи билагузуклар ва узукларни топдилар. Учларида илон тасвирланган билагузуклар Далварзинтепа деворий

расмларига болалар паноҳкори кохин қўлларида ҳам учрайди. Бурама билагузуклар эшилган илон кўринишидаги узук мунчоқ-қўнғироқчалар тизиб ясалган билагузуклар, олтин ва шиқилдоқлар сочга тақиш учун ясалган шокиллар, сув рамзини билдирган бурама узуклар, мунчоқ ва шокилаларни сим билан кадаб ясалган сирғалар бир ғужум ўта майда тошлар қадалган ярим ой шаклидаги сирғалар, қуёш маъносини бериш учун гирдига тошлар ва 3 та барг нусха шокила қадалган олтин халқа сирғалар, қушлар сурати туширилган сирғалар шу ерда топилган. Тупроққалъа деворий расмларида қулоғига 4 та шокиласи бор мўъжазгина учбурчак шаклидаги сирға тақилган аёл сиймоси мавжуд. Манашундай тақинчоқлардан жуда кўпчилиги ёки уларнинг айрим қисмлари XIX асргача маҳаллий заргарлик санъатида кенг қўлланилиб келинган.

Антик давр сопол хайкалчаларида (терракотасида) ифодаланган маъбудаларнинг тиллақошлари ғоят ранг-барангдир. Эрамизнинг I асрига оид Кушон олтин зебигардони (Далварзинтепа хазинаси) Ўрта Осиё ерларидаги антик давр заргарлик санъатининг нечоғлик тараққий этганлигидан гувоҳлик бериб турибди. У учига учсиллик тилла найчадан ясалган бўлиб, ўртасида эса Геракл тасвири туширилган ботик, суйри шаклдаги ҳақиқ қадамали тўрт бурчак турунж ўрнатилган[9].

Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Болаликтепа ва Афросиёбдан топилган тасвирий санъат ва хайкалтарошлик асарлари, қадимий ва ўрта асрга тааллуқли ёдгорликлар авлоддан авлодга ўтиб келган бой маданий мерослардан, улкан ютуқларимиздан дарак беради. Бу маданий меросимиз ўзига қўшни бўлган халқлар санъати билан ўзаро ҳамкорликда бир-бирини узлуксиз бойитиб келган.

Миллодан аввалги I асрда шимолий Бактрия ёдгорликлари- Холчаён тасвирий санъати ва хайкалтарошлиги тўй-тантана маросимлари тасвирланган манзаралар мўл бўлиб, улар зеб-зийнат тақинчоқлари ҳақида ҳам бирмунча тасаввур ҳосил қилишга имконберадилар. Масалан, маликанинг пешонасини безаб турган тиллақошнинг учи яримой шаклида

бўлган, бўйнига доналари йирик-йирик мунчоқ таққан, панжа олди билаги ёки тирсакдан юқорироғини билагузуклар безаб турган. Қазилмалар пайтида топилган уст кийимларида кашталар борлиги ҳам аниқланди: “Будда чархпалаги” шаклидаги зардўзи нақш солинган камар, инс-жинслардан асраш мақсадида япроқ нусха тумор ва хоказо[10].

Далварзинтепадан топилган археологик қазилма материаллари Кушон даври заргарлик санъатининг юксак даражада тараққий этганидан далолат беради. Подшо, подшонинг оила аъзолари ва сарой аъёнлари хайкаллари пешонасидаги тиллақошлар, бўйинларидаги икки қаватли жеваклар, кўлларида бир-бири билан чўзинчоқ тўғалар ёрдамида ғоят бежирим тарзда бириктирилган билагузуклар топилмалардандир.

Айниқса, тилла зебигардон билан камар халқаси маҳаллий халқ санъатининг ёрқин намунаси бўла олади. Далварзинтепа тадқиқотчиси Г.А. Пугаченкова мазкур топилмаларни маҳаллий усталарнинг хунари эканлигини исбот этди [11]. Зебигардон учта найчадан ташкил топган бўлиб, ўртасида суйри шаклдаги хақиққа геракнинг бош қисми тасвири турибди. Ўзининг бадиийлиги билан у мана шу ёдгорликдаги хайкалда тасвирланган зийнатларга жуда яқин туради. Сўнгги бир неча аср мобайнида бўйнига тақиладиган ушбу тасма ўз шаклини неча бор ўзгартиришига қарамай, Сўғд ва Бақтрия учун анъанавий бўлиб қолаверган. Жеваклар билан темир симдан тўқилган учи учли билагузуклар, ўз-ўзидан маълумки, маҳаллий халқ санъати намуналарига киради. Юзаларига ҳеч қандай нақш солинмаган, бундай тақинчоқлар ғоятбежирим ва кўхлик кўринади.

Янги эранинг бошланиш давларида юзага келган хилма-хил зеб-зийнатлар заргарлик санъати тенденцияларининг ранг-баранглигидан дарак беради. Бу давр услубининг ўзига хос хусусиятини маҳаллий санъат анъаналари асосидаривожлана бориб, ўзининг олис тарих йўлида грек-форс сак, ҳинд ва бошқа халқлар санъати усулларини ўзлаштириши ва қайта ишлаши билан белгиламоқ лозим. Зикр этилган услуб кўп

режалидир. Ҳам тантанаворлик, ҳам мўътадиллик ҳиссини туғдурувчи оддий, ёрқин шаклларнинг қуймалиги-ю майин-ҳажмий маънодорлигидан тортиб, вазминлик, ҳаётий қудрат, туйғусини англатувчи, киши руҳига тез таъсир этувчи нарсалар, ҳаттоки бозорбоп тақинчоқларгача учрайди.

Маълум даражада, Кушон даври анъаналарини қабул қилган илк ўрта аср (V аср охири –VI аср боши) тарихий ёдгорликлари, масалан, шимолий Тўхаристондаги Болаликтепа қишлоқ қасри заргарлик санъати намуналарини бизгача етказишда муҳим рол ўйнайди. Тақинчоқларининг ижтимоий-иқтисодий маросимий ва нафосатлик аҳамиятини ўзида намоён этиши айнан шу даврга мансубдир. Ҳайкалларда акс эттирилган заргарлик буюмлари, асосан тўқима ёки нақшинкор зебигардонлардан, мунчоқ ва тумор шодаларидан, билагузук ва яримой ҳамда халқа шаклидаги узуклардан, йирик тош кўзли, тухумсимон чиройли қалқон (кўз) кўндирилган баланд гардишли узуклардан иборат. Кўзсиз узуклар ҳақида ривоят ҳам бор. V асрда фарғоналикларнинг ажойиб одати бўлган, тўёна сифатида келинга “бирдамлик маъносини билдирувчи тилла узук” ҳадя қилишган. Бу одат бир оз бошқачароқ қиёфада бизнинг давргача сақланиб қолган. Бу ёдгорликдаги заргарлик буюмларининг бадиий услуби ўзининг ҳажм ва шакл жиҳатидан ғоят нафислиги, чизиқларининг нозиклиги, ансамблда одатдан ташқари равон, текис жой олиниши билан ажралиб туради [12].

Уйғунлашган услубнинг кейинги тараққиётини Афросиёб (VII аср охири –VIII аср боши) расмлари мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Самарқанд шохининг элчиларни қабул қилиш маросими тасвирида иштирок этган шошлик, чағаниёнлик эркаклар таққан, Сўғд хукмдорига улар совға қилиб келтирган заргарлик буюмлари кўзга яққол ташланади. Йирик-йирик қимматбаҳо тош қадалган битта ёки учта тўгарак турунжли тиллақош киши диққатини тортади. Худди шундай тўгарак ё учбурчак шаклидаги турунжли жевак ҳам ўша услубда ясалган буюмлар сирасига

киради. Тақинчоқларнинг хаммаси бир бўлиб кишида ҳам тантана ва шўх, ҳам вазминва осийишта кайфият туғдиради.

Холчаён, Далварзинтепа, Болаликтепа ва Афросиёб ҳайкаллари ва деворий расмларида ифодаланган зеб-зийнат буюмлари чинакам санъатнинг асосий йўналишларидан бирини акс эттиради. Булардан ташқари жўнроқ, оммавий санъат ҳам мавжуд бўлганки, бу санъат намуналари ичида ичи илон боши шаклидаги сим ўрама халқали темир шокила, тўғнағичлар, қушва ҳайвонларнинг бўртма тасвирлари ишланган мис шокилалар бор. Ўзининг мустаҳкамланиш жараёнида кўпгина анъанавий расм-русум ва ғояларни қабул қилишга мажбур бўлган ислом динининг реакцион таъсири қанчалик кучли бўлмасин, сўнги асрларда жонли маҳлуқот тасвирини тушириш кенг тус олган эди. Қолаверса, халқ санъатининг замирида шу қадар теранлик, эркинлик ва ҳаққонийлик ётадики, уни қандайдир диний қарашларга бутунлай бўйсундириш асло мумкин эмас.

IX аср ва XII аср бошларидаги заргарлик санъатида ислом таъсирини хали ҳайвонотлар тасвири батамом тугаб улгурмаган ислимий-гирихли нақшларнинг ортиб боришида кўришимиз мумкин[13]. Ҳайвон ва қушларни ифода этиш бадий услуби ҳам тубдан ўзгарди. Улар кўпроқ мавҳум шакл касб этиб, ислимий нақшлар билан бирикиб кетсада, ҳамон бу услубнинг узвий қисмибўлиб яшаб келар эди. Бу давр намуналари сифатида бизгача туморлар, турунжлар ва камар тўғалари, бош кийимлари учун тўғнағичлар етиб келган бўлиб, улар мисдан, бринчдан, қумушдан ясалган. Кўринишлар эса ҳайвон, қуш, балиқ, афсонавий маҳлуқ, икки учли илон бошига ўхшатиб ясалган билагузуклар шаклида бўлган. Ўша даврларда бу буюмларга хархил бало-қазо, инж-жинслардан асровчи, яхшиликка элтувчи, савоб келтирувчи, бахт-иқбол эшигини очувчи кароматларга эга деб қарар эдилар. Баъзи буюмлар этик, кўза, ўроқ, пичоқ, шаклида ясалиб, уларга ҳам юқоридагидек сеҳрли тус берганлар. Хуснихат ёзувларини нақшда фойдаланиш янгилик бўлиб, улар билан турли

хайвонлар, шерлар, қурбақаларнинг тасвирларини беаганлар. Ёзувлар ҳам ўзига хос яхшилик маъносини аанлатган: куч-қудрат, олийхмматлик, бойлик, осойишталик, бахт-саодат, ҳузур-халоват, иззат-хурмат, тани соғлик, мўл-кўлчилик, камолот ва ҳоказолар. Қизиғи шундаки, акс эттирилган, тасвирларнинг кароматлиги билан ёзувларнинг муқаддаслиги бир-бирини инкор қилиш у ёқда турсин, аксинча, турли-турли диний тасаввурларнинг маҳсули бўлишига қарамай, бири иккинчисини маъно жиҳатидан тўлдириб, кучайтиради.

Х-ХІІ асрларга оид илон шаклидаги бурама кумуш билагузукларнинг шакли ҳам жонли маҳлуқот рамзи билан боғлиқдир. Қадим-қадим замонладаноқ Ўрта Осиёда илонга яхшилик белгиси деб қарашган. У хонадон, оила, бойлик, мол-хол, дон-дун, обихаёт, хазина, ер ости маъданлари, кон, қабр, муқаддас дарахтлар ва бошқа шунга ўхшаш жуда кўп нарсаларнинг посбони ҳисобланган. У яна хотин-қиз ва болаларнинг хомийси сифатида қадрланади, унинг сурати халоскорлик рамзи бўлган. Худди илгари бўлгани каби мазкур билагузуклар ҳам хотин-қизлар ва уларнинг авлодлари учун халоскорлик тимсоли бўлиб хизмат қилган. Биргина маъдану-кумушдан фойдаланишнинг ўзиёқ устанинг юксак маҳоратидан, унинг бир турдаги хом ашёдан ажойиб санъат намунасини ясай олишлигидан дарак бериб турибди. Буюмларда кумушнинг товланиши, жозибадорлиги, жимжимадорлиги яққол акс этган. ХІІІ асрда Хоразмда учлари йўлбарс бошига ўхшатиб ишланган билагузуклар хотинларнинг серфарзандлигини билдирган, бола-чақаларни турли инс-жинслардан асровчи хомий ҳисобланган[14].

Х асрда Берунийнинг тожлар ҳақидаги сўзлари диққатга сазовор: “Зодагон ва оддий кишилардан ўзини юқори кўрсатиш учун тож ва маҳсус бош кийимлари қила бошладилар[15].

Қулоқ ва тиш ва тирноқ тозалагич каби турли пардоз-андоз буюмлари нақшлар билан безатилган бўлиб, митти-митти қушчалар шаклида ясалган. Бундай буюмларни яшашда одамлар уларга кўпроқ оро бериш воситаси деб

караши ҳисобга олинган. Натижада бадий ишлов берилган пардоз буюми зеб-зийнат буюмига айланган. Улар кўйлакка тўғнаб қўйилиб, доим эгасининг ёнида бўлган. Бу айниқса, у жойдан бу жойга кўчиб юрувчи оилалар учун жуда қўл келган.

Тошкент ҳудудидаги Сижжак ва Сайрам сув ҳавзаларида XI-XIII аср бошларига оид кўпгина туморлар топилган. Улар чўзинчоқ олтиқиррали ғилофчалар бўлиб, ҳар иккала учиди куббачалари бор Туморлар юпка кумуш варағидан ясалган бўлиб, ўйма, чизма ва тиллакори нақшлар билан безатилган.

Дастлабки пайтларда бундай ғилофчалар фақат игнаҳалта вазифасини ўтаган. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир. Қадимда игна яшаш анча мураккаб иш бўлиб, уни жуда эҳтиёт қилиб сақлаганлар. Қолаверса, кўкракка тақиб олган игнаҳалтадан игна олиш эгаси учун анча ўнғай бўлган. Чиройли қилиб ишланган игнаҳалталар эса ҳам игнаҳалта вазифасини ўтаган, ҳам инс-жинслардан сақловчи муқаддас буюм вазифасини бажарган. Дарвоқе, игнанинг ўзи ҳам шундай фазилатга эғалигини эслаш кифоя.

Гоят бежирим ишланган нақшинкор, баланд гардишларга ўрнатилган йирик-йирик феруза, ёқут кўзли узуклар кишида алоҳида қизиқиш уйғотади. Берунийнинг ёзишича, ўша пайтларда феруза ғалаба бахт-саодат, тантана, омад, фаровонлик сифатларини билдирувчи тош бўлган. Лаққа саксовул чўғига қиёс қилинган ёқут ҳамма тошлар ичида энг қимматлиги ва чиройлиги ҳисобланган. Ёқут вабони даф қилади деган ақида ҳам бўлган. Ундан ойбалдоқ кўринишидаги исирға ва шокилалар ясалган. Рангли тошлардан эгасининг исми шарифи битиб ёзилган муҳр-узуклар йирик савдогарлар учун махсус тайёрланар эди. Ривоятларда айтилишича, Муҳаммад пайғамбарнинг узугига “Бари ўтади” деган ёзув нақшланган экан[16].

Дурнинг “юракни мустаҳкамловчи” шифобахш хусусияти бор деб ҳисоблаганлар. Уни феруза, ложувард, маржон, тилла мунчоқларга қўшиб

ишлаганлар. Турли шакл-қийёфадаги мунчоқлар хақиқ, ложувард, маржон, тоғ биллури, кахрабо халқалардан, хризолит, яшма, мрамр, садаф, охак, шиша ва ҳоказолардан ясалган. Улар тошларга сайқал бериб, турли геометрик шакллар кўринишида тайёрлаганлар. Хар бир уста ўз маҳоратини намоиш қилиб хайвон панжаси, тирноғи, тиши, одам қўли ва оёғи шаклидаги мунчоқлардан шодалар қилганлар. Кенг омма талабини эътиборга олиб харидоргир бўлиши учун қимматбаҳо бўлгмаган тош, шиша, зангори сиркор сополдан мунчоққа ўхшаш тақинчоқлар, туморлар, узукларга кўзлар тайёрлаганлар. Ўйма нақшли сопол турунжлар бизгача сақланиб қолган. Булар маҳсулотнинг кўплаб ишлаб чиқарилишида ўзига хос доимий андоза (стандарт) мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Тўғри бурчакли турунжларнинг бир қисмида дарахт ёнида турган улоқ, яна бир юрак шаклидаги турунжда икки аждарҳо тасвири акс эттирилган.

Зангори сир камбағаллар учун феруза ўрнини босибгина қолмай, янги нарсага чарақлаган осмон тусини бериб, унинг чиройини очган. Шаффоф, ним шаффоф юзага ёпиштирилган қолип, ўйма, кесма ва қадама нақшлар билан безатилган ранг-баранг шиша мунчоқлар тайёрланган. Айниқса, қадама нақшли мунчоқ кишида қизиқиш уйғотади. Хали қотиб улгурмаган шиша қоришмасида чуқурча ҳосил қилиниб, унга рангли шиша ўрнатганлар-да, тайёр мунчоқни ўтига солиб тоб берганлар.

Усталар шишанинг ажойиб хусусиятидан моҳирона фойдаланганлар. Ўтда куйгандан кейин у яна ҳам силлиқ, яна ҳам ялтироқроқ кўринишга эга бўлиб, бадий жозибаси ортган, рангларнинг бир-бирига уйғунлашувини, бир-бирини тўлдиришини гўё амалда исбот қилгандек бўлган. Илк даъфа кўз шаклида ифода этилган кўзмунчоқлар ҳам шу йўсинда ясалган. Мунчоқ шокила, тизимчаларнинг мана шундай хилма-хил турларидан кўзни қувонтирувчи маржонлар келиб чиққан.

Халқ амалий санъати ўзининг энг тараққий қилган даври XIV-XV асрлардаги заргарлик санъати ҳақидаги маълумотлар бизгача ғоят кам етиб

келган, усталар ясаган буюмлар эса қарийиб сақланиб қолмаган. Биз уларни ноёб миниатюра расмларидан ва адабий манбалардангина биламиз.

Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро маданий таъсирларининг кучайиши, усталарнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришлари, санъат маълум бир чегара билмайди, фақатгина умумий регионал хусусиятларни намоён қилади, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Бой-зодагонларнинг зеб-зийнат учун энг яхши кўрган қимматбаҳо тошлари сирасига “муҳаббат рамзи” деб ҳисобланган тилла, кумуш, олмос, ёқут киради, зумрадни эса кўр кўзга нур беради дейдилар [17]. Бадахшон лаъли, топаз, дурни “Тоғ зеби” дейдилар, қимматбаҳо ёқут, фируза, тоғ биллури, садаф, ҳақиқ, хризолитлар ялтирайдиган безак тошлари ҳисобланади. Кумуш ва мисга тилла суви югуртирганлар, шиша ясаганлар, сунъий қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Кўпинча дурга ёқут ёки лаъл кўшганлар, дур билан феруза тошларини аралаштирганлар.

Хукмдорлар ва сарой аёнлари бошларида дабдабали султон (жиға) тақиб юрганлар. Хокимият бошлиғининг рамзи тош бўлиб, у худди тахт сингари, авлоддан-авлодга мерос қолдирилган. Тилла гулчамбарга дур ва ёқутлардан зеб берилган.

XV аср бошлариданок, зодагон аёлларнинг бош кийимлари ҳақида Темур саройидаги испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо батафсил тўхталади. “ ... Бошидаги қизил кийим худди дубулғага ўхшайди...”, бу дубулға жуда баланд эди, унда дурлар, ёқут ва ферузалар яна турли-туман тошлар кўзга ташланарди... ундан юқорироқда тилладан қилинган бир чамбар ҳам бор эди, унга ҳам кўпгина тошлар ва ғоят йирик дурлар қадаб берилган эди. Дубулғанинг устида кўшксимон соябон бўлиб, унга ҳар бири икки энлик келадиган учта ёқут қадаб қўйилганда, тепада оқ султон бўлиб, ундан бир-бирига зар ип билан боғлаб қўйилган, учларида тош ва дурлар ярқираб турган қуш патлари кўзгача осилиб тушганди. Мазкур бош

кийими жиға сингари бир оз ўзгарган холда бир неча асргача истеймолда бўлган [18].

XVI асрда яшаган уста Абдулланинг Бухоро мавзуидаги миниатюраларида XIX аср тақинчоқлари тиллабаргак ва тиллақошни эслатувчи бош кийимлар акс эттирилган. Айнан шу миниатюрада кўксига босма нақшли, рангин тошли юракнусха XIX аср зебигардони ва жевакка ўхшаш тумор-турунжи бор маржон таққан аёл сурати ҳам учрайди. Шундай қилиб, ашёвий далилларнинг камлигига, тўсиқларга, замонлар орасидаги фарқларга қарамай, анча қадимги давр зеб-зийнат буюмларининг анъанавий маҳаллий шакллари анақланади, қайта тикланади. Турли касаллик ва ғам-қайғудан асраш учун бўйинга тақиладиган дур ва коралл (асил маржон) зебигардон ва туморлар кенг тарқалади эди. “Дардни даф этиш учун бўйнимга тумор таққанман” дейди Алишер Навоий қахрамонларидан бири [19]. Ойна, тилла қалқонча (тахтача)ларни туморча дейишган, бироқ дурдан қилинган осма шокилалар ҳаммасидан қимматлиги ҳисобланган.

Аслзодаларнинг кийимларини тилла тугмалар безаб турган, саройдаги зодагон хотинлар қимматбаҳо тош кўзли тилла сирғалар тақишган.

Ёқут кўзли, гардиши ва тошларига ёзув нақш этилган тилла узук-хотам ҳокимларнинг ҳокимлик рамзи бўлган, йирик савдогарлар эса муҳр-узук таққанлар. Заргарлик санъатининг IX-XIII асрлар анъаналарини давом эттирган ва сўнги юз йилликлар мобайнида жуда тараққий топган энг қизиқарли турларидан бири бу шахсий муҳрлар ясаш бўлди. Муҳр ва узук-муҳрлар юқори лавозимдаги кишилар, аёёнлар, ҳукмдорлар ва йирик савдогарлар учунгина қилинар эди. Масалан, шахзода Шохрух номига (XV аср ўрталари) муҳр зарб этилганда, у эндиgina уч ёшда эди.

Муҳр узукни тайёрлашда уста харфларнинг энг чиройли, безак учун энг мувофиқ хуснихат шаклини танлай билган. Думалоқ, чўзинчоқ, тўртбурчак, тўғритўртбурчакли, кўпбурчакли, бодомнусха ва ҳоказо

шаклидаги мўъжазгина муҳрда бир умумий тўғарак нақш ҳосил қилиш учун ҳарфлар ҳам шу йўсинда ҳаракат белгилари, гоҳ нақш усули йўлида бир-бири билан айкаш-уйқаш бўлиб кетар эди.

Тилла тожлар тиллақошлар, серҳашам зебигардонлар, узуклар шубҳасиз, бой бадавлат кишилар учунгина қилинар эди. Кенг халқ оммасига мўлжаллаб чиқарилаган арзон зеб-зийнат буюмларихақида на йилномачилар, на достонлар, на миниатюралар дарак берадилар, улар ҳақида биз фақатгина археологик қазилмалар орқалигина воқиф бўламиз. Бироқ, XIV-XVII асрларга оид зеб-зийнат топилмалари ғоят камва улар бу давр заргарлик санъати тўғрисида тўлароқ маълумот беришга қодир эмас. Мисдан, бринчдан, кумушдан кўзсиз узуклар, билагузуклар, сирғалар ясаиб, гоҳида улар жуда ҳам жўн кўринишга эга бўлган, масалан, кўзсиз узуклар оддий юпка маъдандан қилинган ёки тўқилган. Ромб шаклидаги шокилалар, фируза қадамали ва ромб шолилали бринч тўғноғичлар топилган. Рангли шаффоф шиша ва пастадан турли кўриниш ва шаклдаги билагузуклар, шокилалар, мунчоқлар ясалган.

XVI аср заргарлигидаги ёдгорлик бўлиб, Бухорода Тоқи Заргарон тимми сақланиб қолган. Бу ерда савдо ҳунармандчилик хужралари –дўкон-устахоналар растаси жойлашган. Саратоннинг энг жазирама кунларида ҳам бу ер салқин бўлади. Тоқи зарагарон тимининг қурилиши ҳақидаги ривоят Бухоро заргарлари орасида ҳозир ҳам машҳур. “Бу воқеа бундан минг йил бурун бўлган (ривоятларда муболаға қилиш расм бўлган аслида 300 йил бўлган) Бухорода катта тўй бўлган экан. Тўйга ҳар бир ҳунармандчилик растасидан 50 киши ташриф буюрибди. Заргарлар энг сўнгиси бўлиб келгани учун уларга жой етмай қолганидан токчадан жой олишибди. Буни кўрган амир таажубланиб сўрабди: “Токчада ўтирганлар кимлар? Нега улар ҳаммадан юқори ўтиришибди?” Шунда заргарлар оқсоқоли жавоб берибди: “Бизга теккан жой шу, ҳаммадан юқори ўтирганимизга келсак, сабаби: бизлар ҳунарлар ичида энг аълоси заргарлик билан шуғулланамиз”. Жавоб амирга маъқул бўлибди ва заргарлар учун уларнинг бундан кейинги

авлодларига ҳам ота мерос бўлиб қолиши шарти билан 21 дўкондан иборат Тоқи заргарон тими қуришни буюрибди” [20].

XVII, XVIII, XIX, асрлар давомида Тоқи заргарон узлуксиз меҳнат булоғи бўлиб келди. Музейларимиз коллекциялари ичида, XVIII аср заргарлик санъати асарлари ичида ясалган вақти аниқ кўрсатилган намунаси учраганича йўқ.

Бухоро, Хива, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари XIX аср заргарлик санъатининг энг йирик марказлари бўлган, аммо заргарлар бошқа ҳар бир шаҳар ва катта-катта қишлоқларда ҳам иш олиб борганлар. Хатто, заргарлик ва заргар деган номдаги қишлоқлар ҳам бўлган. Ҳар бир заргарлик маркази ўзининг шакл ва безаклари билан ажралиб турувчи, ўша жой учун хос бўлган умумий хусусиятга эга зеб-зийнат буюмларини, (масалан “Самарқанд сирғаси”, “Тошкент сирғаси”) ишлаб чиқарган. Йирик заргарлик марказларида эса шаҳар ва қўшни кўчманчи ёки ярим кўчманчи қишлоқ аҳолисига мўлжаллаб турли-туман зийнат буюмлари ясалган. Бошқа хунармандчиликлар сингари заргарлар ҳам оқсоқол томонидан назорат қилиб туриладиган уларнинг шахсий раста ташкилотига эга бўлганлар. Заргарлик касби отадан ўғилга мерос бўлиб ўтиб келган, ота касбидан юз ўгириш ўғил учун кўрнамаклик, шаккоклик саналган. Эркак заргарларга кўпинча уларнинг хотинлари ва қизлари кўмаклашганлар. Баъзи усталар турли хил зийнат буюмлари ясаганлар, баъзилари фақат биргина зийнат буюми ясашга ўрганганлар. О.А. Сухаревнинг ёзишича, Бухоро сарой заргарлари кўпгина имтиёзларга эга бўлиб, хизматларига қараб, уларга унвонлар берилган. Хоразмда эса заргарларга жуда паст назар билан қарашган [21].

Туркистон Россияга қўшиб олингандан кейин маҳаллий заргарлар Халқаро, Бутун Россия, область ва шаҳар кўрғазмаларида иштирок эта бошладилар.

XIX асрда тилла, кумуш, бринч, мис, ярқироқ қимматбаҳо тошлар, шишадан зеб-зийнат буюмлари ясалган. Тилла асосан, буюмларга тилла суви юритишда фойдаланилган. Бунинг сабабларидан бири шуки, шариатга мувофиқ эркак кишининг тилла буюм тақинининг хосияти бўлмас эмиш. Бироқ бой-зодагонлар бу таъқиқларни назар-писанд қилмай, уларни осонгина четлаб ўтганлар ва ўзларига қулай йўллар топганлар. Улар кумуш ёки турли қотишмалардан тайёрланган буюмни бошдан-оёқ тилла қоплатганлар, бу билан шариат қонунларига ҳўжакўрсинга риоя қилганлар. Ахир буюм соф тилла эмас, турли қотишмалардан қилинган-да! Шунга қарамай, XIX аср охирига келиб, тилладан кўпроқ фойдалана бошладилар. Бу ҳол ташқи дабдабабозликка ўч бўлган сарой аҳлининг талаблари натижасида юзага келди.

Лаъл ёқут ва унинг турлари, алмандин, зумрад, харидоргир тошлар бўлиб қолаверди. Рангли тошлар сирасига фируза, ҳақиқ, ложувард, асл маржон, дур ва садафлар қирган. Шиша кўзлар учун кўпроқ, қизил, яшил, зангори, фируза-мовий ранглар урф бўлган. Бу эса безакли ашёларнинг ранг-баранглик борасида заргарлар учун ҳадсиз-ҳисобсиз бадий имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Тош ва маъданларга тилсим, муқаддас ва сеҳр-жоду деб қараш XIX асрда ҳам сақланиб қолган. Улар шифобахш ва ҳалоскорлик қудратига эга, инсон тақдирини ўзгартира олишга қодир, табиатга ҳам таъсир қилиб, ёмғир ёғдирар ва экинларни қурғоқчиликдан асраб қолиш хусусиятига эга, бахт-саодат, бойлик ҳисобланар экан. Мажусийлар ва ислом даврига оид қадимги тасаввурларга асосланган ҳалоскорлик-ҳимоя хусусиятлари деярли барча зеб-зийнат буюмларида ҳамон сақланиб қолмоқда. Улар доимпаноҳкорлик рамзи деб қаралган. Никоҳ либосларида ҳам зеб-зийнат буюмларини кўрамиз. Заргарлик буюмлари аёлларнинг бошлари узра ташлашган, уларнинг юзларини ийланиб ўрашган, бўйи ва кўксиларини қоплаганлар. Дарду-балоларнинг олдини олганлар, ҳуллас, турли бало-қазодан “ҳалос” бўлганлар. Зеб-зийнат буюмларини тайёрлашда заргарлар

анъанавий ишларни бажаришган. Нақш ва гулларнинг жозибадор чиқиши учун усталар барча жараёни бирма-бир босиб ўтганлар: маъданни қуйиш, тоблаш, кандакорлик, ўйма нақш тушуриш, босма нақш тушуриш, коралаш, оқлаш, доналарни қадаб чиқиш. Ингичка симлардан нафис турлар ясаш, деворнуса қадама нақшлар ясаш, тилла суви юрғазилар канчалик майда ишлар! Сим тўрга зиғирдай доначалар қадаб ясалган нафис тўгарак нақш шу қадар маънодор жилваланадики, гўё доначаларнинг хил рангда юлдуздай жимир-жимир қилиб буюм нақшининг жозибасига ўн жозиба қўшиб юборган. Буюм юзасига буклаб-буклаб, хар буклам тошлар қадаб ясалган девор нуса қадама нақшни бажариш алоҳида маҳорат талаб қилади. Бундан илгари ҳам бўлганидек, XIX асрда тилла гардиш узра, худди балиқ тангачаларига ўхшатиб, фируза қадаб чиройли ва бежирим нақшлар ясаш кенг урф бўлган. Бу нақшнинг атамаси ҳам шундан келиб чиқиб, “балиқ танга” дейилган.

XIX аср заргарлик зеб-зийнатларининг шакли ва безаклари учун бирига сира ўхшамаган услублар: ислимий, геометрик, самовий ва махлуқот дунёси асос қилиб олинган. Даврлар ўзгариши мобайнида кишиларнинг тасаввуридаги наққошлик турлари ҳам ўзгариб борди, кўхна санъат изларини сақлаб қолгани ҳолда янги замон санъати шаклланди.

XIX аср кишилари учун қуёш, ой, юлдуз, сув, ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар ва ҳ.к. ларнинг тасвири ноъмалум, нотаниш, ёд эмас эди, булар кишиларни қуршаб турган борлиқ табиатнинг ўзи бўлиб, у санъатда ҳам ўз инъикосини топмаслигини мумкин эмас эди. Ахир, улар муайян бир ҳайвон ёки ўсимликнинг бадиийлаштирилган ёки афсонавийлаштирилган ифодаси зеб-зийнат буюмининг безаклари тузилишига мослаб акс эттирилган.

Мазкур заргарлик буюмлари қорачадан келган қорақўз, қорақош, қорасоч, очиқ ва эҳтиросли, ранг-баранг либосларга буркалган аёлларга мўлжалланган зеб-зийнат буюмлари биргаликда уларнинг ёппа бадиий рамзийлик маъносини очиб берувчи яхлит ансамблларни ташкил этади.

Маълум бир ёшда ва ҳаётнинг маълум бир пайтида, масалан, тўйда, байрамда, ёки кундалик турмушда асқотадиган буюмлар жумласи шулардан келиб чиқади. Бу зеб-зийнат буюмларининг жуда кўпчилик шакл ва безакларнинг туб негизи анча олдинги асрларда яратилган асарларига бориб тақалади.

Заргарлик буюмларининг чексиз хилма-хиллиги кишини хайратда қолдиради. Бунчалик кўп шакл-қиефалар қаердан пайдо бўлди экан? Бу масалани ўрганиш жараёнида диний расм-русумлардан кўра кўпроқ инсон дунёга келган пайтдан тирикчилиги учун зарур бўлган оддий майда-чуйда ашёлар шундай шакл-қиефаларнинг келиб чиқишига асос бўлган, деган фикр туғилади.

Баъзан, диний ақидалар намоён бўлган жойда кўпинча оддий кундалик турмуш эҳтиёжлари яшириниб ётганини кўрамиз. Масалан, ишлаётганда ҳалал бермаслиги учун сочи тугиб турувчи дўппи, дубулға ва пешонабоғлар қарийиб барча бош зеб-зийнатларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Буюмларнинг асл фазифаси аста-секин сеҳр-жоду ва нафосат маъноси касб эта бошлаган.

Заргарлик зеб-зийнатлари билан безатилган бош кийими тўй либослари ичида энг асосийси ҳисобланган ва у онадан қизига мерос қилиб берилган. XIX аср бош кийими зийнатларидан такядўзи сақланиб қолган (бу, бош кийими сиртига тикилган ёки қадаб чиқилгани дегани). Бошқа кўпгина заргарлик буюмларида бўлгани сингари такядўзликда ҳам турли рангдаги тош ва шишалар ишлатилади.

Тезина водийсида хизматини утаган инглиз чегара қушинлари капитани Ф. Бартон зеб-зийнатлар келиб чиқиши ҳақида қуйидагиларни айтиб берган: Зобит фикрича, Вози ад-Дин, Гулом Муҳаммад ва Шукур Али исмли бухоролик савдогарлар Кобулдан Пешоворга кетаётганларида уларга қароқчилар ҳужум қилиб, барча мол-мулкларини тортиб олишибди. Бироқ тожирлар довюрак Ф. Бартон ёрдамида олтин ва қумуш билан тўлдирилган бурдуқ ва мешларини қайтариб олишга

муваффақбўлишган экан. Қоронги тунда инглиз капитани иккита аскар билан йўлтўсарлар беркиниб ётган ғорга кириб келади. Босқинчилар бўлишолмай, жиқиллашиб туришган эди. Жанжал давомида безориларнинг тўрттаси оғир жароҳатланган эди. Қолганлари Ф. Бартонни кўргач орқага қарамасдан қочиб кетишибди. Пистирмага тушиб қолмаслик учун, ўлжани қўўлга киритган капитан тонг отгунча пана жойда жон сақлабди. Эртасига босқинчилар унинг лагерига келиб узр айтиб, маҳаллий аҳолига қарши ҳарбий қўшинларни ишлатмасликни сўрашибди.

Сўнгра жабрланувчилардан бири қуйидагиларни сўзлаб берибди:

— «Талончилар эшакларимизга тегишмади, улар жавоҳирот солинган тўрва ва халталаримизни тортиб олишди. Қимматбаҳо зийнат буюмлар орасида олтин ва кумушдан ясалган тақинчоклар, идиш ва товоқлар, тилладан ясалган бут ва билагузукка ўхшаган чиройли бир нарса ҳам бор эди. Зеб-зийнатларнинг аксарияти, курғоқчилик пайтида Окс дарёси тубида топилган экан. Уларнинг яна бир қисми Кондиён шаҳар вайроналари орасидан чиққан. Мен шерикларим билан ушбу буюмларни сотиб олдим. Миннатдорчилик эвазига биз Ф. Бартонга олтин билагузукни арзон нархда сотдик»[22].

Олимлар фикрича, олтин ва кумушдан ясалган хайкалчалар, кичик Хазина уз эгаси учун канчалик аҳамиятлилиги бўлгани ҳақидаги савол олимларни узоқйиллар давомида қизиқтириб келди. Чунки тадқиқотлар давомида ҳеч қандай тилхат ёки бошқа ҳужжат топилмаган.

Ҳиндистондаги археологик хизмат раҳбари генерал-майор А. Каннингэм ушбу топилма ўз вақтида бактриялик зодагон оиласига мансуб эканлигини иддао қилган. Антиох III ва Эвтидем I ўртасида уруш бошланганида аслзода қимматбаҳо нарсаларни шошилинич равишда ерга кўмиб кетишга мажбур бўлган. Лекин қайтиб келиб уларни қазиб олиш, унга насиб этмаган[23].

Тадқиқотчи Р.М. Гиршман таъкидлашича, Амударёнинг чап қирғоғида эронликлар сиғинган Ардвисура Анахиданинг ибодатхонаси

бўлган экан. Бу ерга одамлар бир неча асрлар давомида ўз бойликларини олиб келишган. Бу диний таомил эди. Милоддан аввалги 329 йилга келиб, Искандар Зулқарнай қўшинларидан чекиниш вақтида қимматбаҳо буюмлар бошқа жойга яширилган[24].

Кейинчалик рус олими Е.Е. Кузьмина иккала гипотезани бирлаштирувчи фикрни олдинга сурди. Унинг фикрича, «Амударё хазинаси» Бақтрия подшоларидан қолган мерос экан. Баъзи шоҳлар давлатни бошқариш билан бирга қоҳинлик (мажусийлар рухонийси) вазифаларини ўтаганлар.

Бугунги кунга келиб Амударё топилмасининг асосий қисми Британия миллий музейида сақланмоқда. Топилмадан ташқари яна 1500 дона танга ҳам бор. Бироқ айрим олимлар (масалан М.И. Артамонов) фикрича, улар «Окс дафинасига» ҳеч қандай даҳли йўқ.

1.3. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқиш технологиясини ўрганиш

Заргарлик санъати миллий-бадий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у халқнинг олис ўтмишдаги олий мақсадларини ўрганишда ёрдам беради. Зийнат буюмлари ҳунар эгаларининг маҳоратидан, маълум давр иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардан мадан ва тошларга ишлов бериш санъатининг услубий хусусиятларини ўзларида намоён этадилар.

Санъатнинг ҳар бир турида бўлгани сингари заргарлик санъати ҳам ўзига хос хусусиятларига эга.

Қадимги замонларда яшаган одамларнинг зеб-зийнатларга бўлган муносабати замондошларимизникидан анчагина фарқ қилган. Чунки биз учун тилла тақинчоқлар фаровон ҳаёт курсатгичи ҳисобланади.

Ҳаммамизга маълумки, зеб-зийнатлар қўхна тарихга эга. Ибтидоий одамлар улардан қийимдан олдин фойдалана бошлашганларини айтиш жоиз. Заргарлик буюмлари тарихи инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Қадимда одамлар ҳайвонлар суякларидан ва тишларидан тақинчоқлар ясашни ўрганишди. Вақт ўтиб, одамлар металлга ишлов беришни ўргандилар. Бу эса заргарлик ҳунари жадал ривожланишига, турли шаклдаги буюмлар яратилишига замин яратди. Заршунослар маҳсулотларини эркаклар ва аёллар фақатгина чирой учун эмас, балки маълум бир анъана ва таомил сифатида, бошқалардан фарқ қилиш ёки душманларни кўрқитиш учун ҳам тақинчи. Қадимда одамлар меҳнат қуролини яратиш учун тошларни қидириш жараёнида топиб олган турли нарсаларни ҳам бўйинларига осиб юришган. Албатта, улар дуч келган матохдан тумор сифатида фойдаланишмаган. Аксинча, энг чиройли ва кўзга ташланадиган нусхаларга ишлов беришган. Чунки уларнинг фикрича, атрофдаги барча мавжудотлар тирик ва жонли ҳисобланган. Жониворни тутиб ўлдириш қанчалик қийин бўлса, унинг суягидан ясалган тумор шунчалик қадрланган. Оддий ва ҳаммабоп чиғаноклар, турли мевалар данаклари, ўсимликлар ва гулларни эса қўлга, бел ва оёқларга ҳам

тақиб юришган. Баъзи нарсаларни доимий равишда тақилса, бошқаларидан турли маросимларда, тўй ва тантаналарда фойдаланишган. Археологлар томонидан топилган энг қадимги чиғаноқлардан ясалган мунчоқлар тахминан 100-135 минг йил олдин ясалган. Уша даврда яшаган одамлар буюмларни асраб авайлашган, уларни беҳудага тақаверишмаган. Ҳар доим ўйлаб иш қилишган. Унга қараб, одам ёшини, жинсий болиқлигини, қайси қавмга тегишли эканлигини билиш мумкин эди.

Вақт ўтган сайин заргарлик буюмлари андазаси ҳам ўзгариб борди. Аҳамонийлар даврини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. 1877 йилда Амударёнинг ўнг томондаги соҳилида ажойиб буюмлар топилган. Археологлар уларга «Амударё хазинаси» ёки «Окс дафинаси» номини беришди. Милoddан аввалги IV-II асрларга мансуб ушбу топилманинг баҳоси йўқ десак, сира муболаға бўлмайди. Ҳозирги Тожикистон (Қадимги Бактрия) худудида топилган олтин ва кумушдан ясалган идишлар, тақинчоқлар, тангалар ва бошқа буюмлар ҳозирги кунда Британия музейида сақланмоқда. Бу ерда 1300 га яқин олтин тангалар, идишлар, айқалчалар, билагузуклар, медаллар, зарҳалланган ва нақш туширилган ажойиб ва қимматбаҳо тошларни кўриш мумкин. Бу тарихий обидалар Аҳамонийлар даврида яшаган инсонлар маданияти ва санъати анъаналарини акс эттирган. Бу нарсаларни кўрган одам ғайриихтиёрий равишда қадимги юнон-бактрия ва скифлар даврига қайтади. Ўша замонларда оммабоп саналган «ёввойи (йиртқич) ҳайвонларга оид усул» унинг кўз олдида гавдаланади. Ўрта Осиёда яшаб ўтган кўчманчи халқлар турмуши билан танишади. Бу бойликлар Британия музейига XIX аср охирида етиб келган. Турли афсоналарга кўра, хазинани топган чорвадор ва деҳқонлар уларни бухоролик савдогарларга пуллашган экан. Улар эса, уз навбатида бойликларни Ҳиндистоннинг Равалпинди шаҳрига олиб бориб, инглизларга сотиб юборганлар.

Заргарлик буюмларини эркаклар ҳам тақишган. Бироқ аёллар барча замонларда анъанага кўра тилла асбобларга ўч бўлишган. Эркаклар

аёлларга турли совғалар беришган, уларга бу янада кўпроқ обру қозонишга имкон яратган. Аёл қанчалик чиройли кийинса, қимматбахо буюмлардан фойдаланса, унинг турмуш ўртоғи шунчалик пул топармон ва омади юришган деб ҳисобланган.

Ўз кучига ва ақл-заковатига ишонган эркаклар олис юртларда сотиб олинган ва ҳарбий юришларда қўлга киритилган жавоҳиротларни хотинларига олиб келишган. Агарда аёлнинг тилла тақинчоклари бўлмаса, демак унинг ҳеч кими йўқ ва у ҳеч кимга керак эмас, деган фикр омма орасида кенг тарқалган. Бу анъана ханузгача жамиятда ҳукм сурмоқда.

Эскитдан тақинчоклар ҳар хил нарсалардан ясалган. Ёғоч, суяклар, дарахт пўстлоҳи, турли тош ва темир шулар жумласидандир. Лекин олтин, кумуш ва қимматбахо тошларга нима етсин? Бунинг устига, одамлар фикрича, барча тошлар ва рангли металллар ўзига хос хусусиятга эгадир. Бундай ноёб хусусиятни уларга табиат инъом қилган экан. Шу боис ҳар бир тошдан ва металлдан белгиланган мақсадга эришиш учун фойдаланишган. Ҳар бир аёл иложи борица кўпроқ заргарлик буюмиларига эғалик қилишни ва ҳар бирини керакли вақтда тақишни истаган. Қимматбахо тошлар, металллар ва уларнинг хусусиятлари, таъсир кучлари ҳамда сеҳри ҳақида бутун бошли илм-фан яратилган. Бу бебахо билим авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Ислом динига кўра, эркаклар тилла буюм тақишлари мумкин эмас. Бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад Саловоллоху Алейхи Вассалам чуқур маъноли иборалар ва ҳикматли гаплар айтганлар. Гарчан биз ўзимизни мусулмон деб билсак, демак бунга итоат этишимиз шарт. Қуръони Каримда ёзилишича, бизга Суннат, Ижм ва Қиёс этилган рукнларга асосланишимиз зарур. Оламга машҳур уламолар Ахмад, Ан-Насайи ва Абу Дауд тилла тақинчоқлардан фақат аёллар фойдаланиши мумкин эканлигини бир неча бор таъкидлашган. Абу Мусо ал-Ашарий ҳазратлари айтганларидек, фақатгина аёллар ипакдан тикилган ва ялтироқ либосларни кийишлари мумкин, эркакларга бу қатъиян ман этилади. Бу сўзларни ўз

вақтида буюк бобомиз имом ат-Термизий ёзиб олганлар.

Абу Хурайра, Оллох у кишидан рози бўлсин, эркакларга тилла узук тақишни пайғамбаримиз ман қилганлар, деганлар. Ушбу сўзларни Қатад ёзиб олганлар. Абдуллох ибн Аббос, Оллох у кишини раҳмат қилсин, шундай ривоятни айтиб берганлар: Бир куни Оллохнинг Расули (Саловоллоху Алейхи Вассалам) тилла узук таққан эркакка кўзлари тушибди. Дарҳол, Ул буюк Зот узукни ечиб, улоқтириб юборибдилар ва шундай дебдилар: Қайси бирингиз кўлингизда ёниб турган чўғни олишга тайёрсиз? Расуллуллох кетганларидан сўнг одамлар эркакка узугини ердан олиб, сотиб юборишни тавсия этишди. Бироқ, у Оллох номи билан қасам ичиб, ҳеч қачон бундай қилмаслигини айтди. Бу ривоятни имом Муслим қайд этганлар [24]. Кўплаб олимларимиз яқдиллик ва хамжихатлик билан эркакларга тилла буюм тақишни ман қилишган. Ибн Хожар Ал-Асқалоний «Фотх ул Бори би Шархи Сахихил Бухорий» номли китобларида шундай деганлар: Тилла узук тақиш фақат эркакларга ман этилади, аёллар бундан истиснодир [25].

Муҳиддин Ан Навовий Шарх Сахиха Муслим номли китобларида шундай ёзганлар: Мусулмонлар аёлларга тилла узук тақишга рухсат беришди, эркакларга буни катъиян таъқиқлаб қўйишди. Яқдиллик билан буни Ижм қилишди. Эркак киши фақат кумушдан ясалган буюмларни тақиб юришлари мумкин. Шундай бўлсада, Расуллох Саловоллоху Алайхи Вассаллам айтган ҳикматларидан чиқмасликлари шарт, бинобарин кумуш инс-жинс жинларни хуркитиб, ҳайдаб турар экан. Бугунги кунга келиб кумуш эркак танасида тестостерон (эркаклик гормони) ишлаб чиқарилишига кўмаклашиши ва олтин аёллар гормони кўпайишига асос бўлиши олимлар томонидан исботланди [26].

Анас ибн Малик ҳазратлари айтишларича, Расуллуллох Саловоллоху Алайхи Вассаллам араб тилини билмайдиган одамларга мактуб йўлламоқчи бўлибдилар: Улар муҳрланмаган хатни ўқимайдилар,- дейишибди одамлар. Буни эшитган Расуллуллох кумушдан узук ясашни ва

унга “Муҳаммад Саловоллоху Алайхи Вассаллам” сўзларини зарб қилишни буюрдилар. Ушбу ҳадисни имом ал-Бухарий ва Муслим ёзиб олишган[27].

Имом Аббас Довуд «Сунон» асарларида қуйидаги сўзларни ёзганлар: Али ҳазратлари, Оллох у кишини мағфират қилсин, гувоҳлик беришларича, Расулуллох Саловоллоху Вассалам узукни ўнг қўл бармоқларига тақиб юрган эканлар [28].

Нафи сўзларига кўра, Ибн Умар, Оллох у кишини мағфират қилсин, узукни чап қўлларига таққан эканлар. Кумуш тақинчоқлар ҳақида ҳаммага маълум бир ривоят бор. Саадий Шерозийнинг «Бўстон» номли асарларида шундай дейилган: Бир кун Оллохнинг Расулини олдида Нуғмон ибн Башир келибдилар. Расулуллох у кишининг бармоқларига тақилган тилла узукка кўзлари тушибди: Нуғмон, бу нимаси? Жаннатга тушмасдан унинг тақинчоқларини тақиб олибсиз? — деб сўрабдилар Ҳақ Расул, шундан кейин Нуғмон темир узук тақишга ўтибдилар. Буни кўрган Расулуллох у кишидан нима учун Жаҳаннам нарсаларидан фойдаланаётганларини сўрабдилар. Бундан сўнг ул зот биринждан ясалган узукка ўтибдилар. Буни кўрган Расулуллох: Нега сендан бутлар иси келаяпти? — деб сўрабдилар, ҳижолатга тушган Нуғмон ибн Башир қандай узук тақиш кераклиги ҳақида қизиқибдилар. Шунда Муҳаммад Саловоллоху Вассаллам бир мисқолдан оғир бўлмаган кумушдан ясалган узукни ўнг қўлга тақиб юришга ижозат берган эканлар[29].

Амр ибн Шуайбдан, қолган ривоятларга кўра, Расулуллох тилла узук тақишни ман қилиб, кумуш узукка рухсат берган эканлар.

Бу ҳақда «Маваҳиб-и-ладуннийя» китобида сўзюритилган [30].

Олтин, қимматбаҳо ва ноёб металллар одамлар ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Аммо инсон уларга муккасидан берилиб кетиши нотўғри. Бу ерда кўп нарса одам тарбияси, маданияти ва дунёқарашига боғлиқ. Олтин — бойлик ва фаровонлик рамзидир. Ундан узук ясаиб келин ва куёвларга тақилади. Бу эса ёшлар бахтли ва бекаму-кост турмуш

кечиришига бўлган ишончни билдиради. Олтиндан турли тақинчоқлар, узуклар, зираклар ва бошқа нафис ва гўзал буюмларни яшаш мумкин.

Қадимги Мисрликлар фикрича, олтин Қуёш Худоси Ра андоми (танаси) экан. Шу боис уни эъзозлашган. Фиръавнлар омборларида олтин сақлашни ўзларига эп қўришган. Мисрликлар учун олтин абадий ҳаёт рамзи ҳисобланган. Қўриб турибмизки, олтин нафакат ҳозирги замонда, балки қадимда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Олтинга Қадимги Румликлар ҳам юксак баҳо беришган. Минглаб истеъдодли рассомлар ва хунармандлар тилладан фойдаланишган. Шаҳар ва маданий обидалар қурилишида уни ишлатишган. Бундан ташқари, олтиндан ажойиб заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилган. Хунармандлар яратган узуклар, зираклар, бўйинга тақиладиган занжирлар Ўша даврдаги одамлар турмуши ва маданиятини акс эттирган. Эслатиб ўтиш керакки, никоҳ узугидан фойдаланиш удуми илк бор Румда пайдо бўлган. Ёшлар уни тақиб, янги оила тузганларини ҳаммага аён қилганлар.

Осиёда олтинга азалдан эҳтиёж катта эди. Милодимиздан аввалги 1100 йилда олтин, кумуш ва платина каби асл металллардан кенг фойдаланишган. Бетакрор тақинчоқлар, идиш-товоқлар тайёрланган. Тарихий манбаларга кўра, милoddан аввалги 210 йилда корейслар тиллага ишлов беришни хитойликлардан ўрганган эканлар[31].

Аҳолиси буддизм динига эътиқод қиладиган баъзи Осиё давлатларида археологлар қадимги инсон учун табаррук ҳисобланган тилла буюмларни кўплаб топишган. Бу ерда Ҳиндистон қироллари оилаларида кенг тарқалган бриллиант осилчоқ ва солинчоқларни қўриш мумкин. Улар бойлик ва фаровонлик рамзи ҳисобланган.

Бундай зеб-зийнатларни мўғиллар ҳам хуш қўришган. Бриллиант билан безатилган заргарлик буюмларига бўлган талаб ханузгача пасайгани йўқ.

Африка қитъасида яшовчи халқлар олтинни катта миқдорларда ишлатишган. Кўплаб давлатларда тилла маъбудалар ва бутларни яшашга

Заргарлик санъатини ўрганар эканмиз, тилла тақинчоқлар эркаклар ва аёллар кийим-кечакларини безашга хизмат қилганини ҳам билишимиз шарт. Шунингдек, тақинчоқлар сони ва таннархига қараб, одамнинг ёши аниқланган, унинг ижтимоий аҳволига баҳо берилган. Ёш қизлар ва жувонлар учун жозибадор ва танага чирой бағишлайдиган буюмлар ясалган.

Биз яшаётган диёрда тўй ва тантаналарда тақиладиган, хуснкор нақшлар билан безатилган буюмлар омма орасида кенг тарқалган эди. Инсон бошига, пешанасига, кўкрагига, чаккасига, белига ва соч ўримиغا тақиладиган буюмлар, жуфтли билагазуклар, узуклар ва либосларга чатиб кўйиладиган туморлар шулар жумласидандир. Ушбу буюмлар аёлнинг нозик баданини либос каби ёпиб турар ва турли инс-жинслардан асрар эди. Бегона кўздан сақланиш учун аёллар ярим қимматбаҳо тошлитўғнағичлардан ҳам фойдаланишган. Қўлларни асраш мақсадида кўйлак енгига жимжимадор безаклар туширишган. Хаттокиб қўлларга ёзувлар ва нақшлар чизишган, узук ва билагозуклар тақишган. Одамларнинг талабига биноан юмуқ ва очик билагозуклар ясалган.

XIX аср кумуш асри бўлган десак, муболаға бўлмайди. Ўрта Осиёлик заргарлар бу темир моддасининг ўзига хос хусусиятларини яхши билишган. Хунармандлар декоратив ва техник усуллардан унумли фойдаланишган. Кумушдан ясалган буюмларга зархал ва қора ранг суртишган. Зарурат туғилганида эса филигран ва ганж, ўймакорлик ва муҳрлаш усулини қўллашган. Бундай ёндашув ўз навбатида бадий уйғунликка эришишга имкон яратган.

Хар бир халқ ва қабиланинг зеб-зийнатлари ўзига хос, бошқалардан фарқлидир. Одамлар ота ва боболаридан қолган удумларни ва б барча буюмларни асраб авайлашади. Миллий усулда тикилган кийимлар, ясалган буюмлар уларни таъсирлантиради. Асрлар давомида дехқончилик билан шуғулланиб келган халкларнинг ёрқин ва жозибадор буюмларини кўриб,

мусулмончилик эстетик меъёрлари ва мажусийликдан қолган удумлар қай даражада уйғунглашиши мумкинлигига иқрор бўласиз.

Заргарлик ижодининг маҳсули факатгина қувончли кунларда ас kotaди. Бухоро, Самарқанд, Кўқон, Хўжанд, Тошкент ва Хива хунармандларининг буюмлари маржон, садаф, феруза ва гавхарлар билан безатилган. Катта барглар ва тўпбарггул шаклидаги буюмлар табиат гўзаллигини ва она заминимиздаги ўсимликлар нақадар бойлигини англатади.

Тақинчоқларнинг табиийдек қилиб кўрсатиш учун заргарлар тинмай меҳнат қилишади. Натижада уларнинг ранг-баранглиги одамларни ҳайратга солади. Заргарлар ясаган шоҳ (дурдона) асарларга назар ташланса, дўлана, наъматак ёки анор (дарахти ва мевасига) нигоҳ ташлагандек бўлади. Қадимдан инсон ўсимлик дунёсига қанчалик берилиб яшаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мевали ва бошоқли ўсимликлар инсонни балодан асровчи, ижодий куч ва ғайрат бағишловчи ҳамда уруғловчи омил сифатида тан олинган.

Тўй либосларининг кўпчилигида мистика ва афсоналарга оид нарсаларни кўриш мумкин. Гавҳар ва садафнинг жозибадор ярқирашини инсонни покликка ва яхшиликка ундовчи ойнинг нури билан таққослаш мумкин. Бу — заргарлик санъати ҳам халқ ижодиёти каби образ ва метафораларга таянишини исботидир. Аммо заргарлик буюмларида турли жониворлар, ўсимликлар ва бошқа нарсалар тасвирлари ўртасидаги фарқни топиш осон иш эмас. Масалан, бош кийимларда, кўйлак ва бошқа либосладга тасвирланган белгиларни тиллақош, қуш қаноти ёки дарахт барги деб аташ мумкин. Бу ерда аниқ фикр бериш осон эмас.

Ўрта Осиё заргарлари яратган буюмлар асрлар давомида анъаналар талабига жавобан ўзгариб, такомиллашиб келган. Уларнинг ташқи кўриниши, усталарнинг ишлов бериш усули авлоддан авлодга ўтиб келган. Буюмлар ҳар бир қабиланинг эстетик дидига, унинг аъзолари таъбиғақараб ясалган бўлсада, уларнинг умумий кўриниши бир хилдек.

Шу боис заргарлик соҳасида илмий тадқиқот олиб боришда қуйидаги омилларга аҳамият бериш лозим:

— заргарлик буюмлари асосий шакллариининг семантикасини (маъносига етиш) аниқлаш;

— Ўрта Осиёда яшаётган асосий этник гуруҳларнинг аёллар тақинчоқларини нисбий стилистик таҳлили.

Бундай ёндашув XIX асрда, этнография фани пайдо бўлиши ва шаклланиши даврида пайдо бўлди. Ҳар бир воҳанинг ўзига хос усулида яратилган заргарлик буюмлари ҳақидаги батафсил маълумотлар мавжуд. Ўрта Осиёда инсон калласи (боши) тананинг энг улуғ қисми ҳисобланган. Шунинг учун уни безатишга алоҳида аҳамият берилган. Инсонлар фикрича, одам калласида унинг қалби жойлашган экан.

Инсон боши энг муқаддас тушунчалардан бири эканлигини Ислом дини ҳам тан олади. Уни турли зеб-зийнатлар билан безаш удуми инсонни офат ва кулфатлардан, кўз тегишидан асраш мақсадида тадбиқ этилган. Қулок, бурун ва бўйинга тақиладиган тилла тақинчоқлар турли тумор ва кўз мунчоқлар ролини ҳам бажарган. Шу билан бирга улар одам қанчалик бадавлат эканлигини ҳам ифодалаган. Қимматбаҳо заргарлик буюмлари аёл чиройига чирой, ҳуснига ҳусн бағишлаган. Бу ерда биз мусулмончилик анъаналари Исломдан олдинги фусункорлардан қолган урф-одатлар билан боғланиб кетганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бош кийимга ҳам одамлар катта аҳамият беришган. Бошга кийиладиган барча либослар рамзий маънога эга бўлган. Шу боис у имкон қадар чиройли тақинчоқлар билан безатилган. Ўрта Осиёда охирги пайтларгача “салла” каби бош кийимини кўриш мумкин. Бадавлат одамлар уни қимматбаҳо тож ёки тиллақош билан безатишади.

Бухорода тикилган саллалар хорижлик меҳмонларни ҳозирги кунгача хайратда қолдиради. Уларнинг баъзилари дунёнинг амалий-декоратив санъат кўргазмаларида тақдим этилган, нуфузли танловларда ғолиб деб топилган.

Қадимги анъаналар билан замонавий усулни мужассамлаштира олган хунармандлар салмоқдорликка эришишни ҳам уддасидан чиқишган. Хивалик қоштилло усталари шулар жумласидандир. Самарқанд ва Тошкентда яратилган қоштиллолар пешанани тўсиб туриш билан бирга, инсонга салобат бахш этади.

Пешанага тақиладиган заргарлик буюмларининг (кокошник) шакли дўкага ўхшаш. Хаттоки, улар қуш қанотини ифодалаган десак адашмаймиз. Чунки ўз вақтида зеб-зийнатлар қуш шаклидаги илоҳа билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Қуш шаклидаги Худо тасвирини Бухорода XVI асрда яратилган миниатюраларда, турли хайкалчаларда кўриш мумкин. Қозоқча саукаллага ўхшаш конус шаклидаги бош кийимини қирғиз, бошқир, нуғой, уйғур ва бошқа қавмга тегишли қизлар ва келинлари ҳам кийишган. Демак қадимги замонларда аксарият халқлар конуссимон, яъни учли бош кийим кийганлигига шубҳа йўқ. Бу анъана ҳисобланган.

Қорақалпоқларнинг саукаллasi бошқачарoқ. Лекин унинг тарихи Қадимги Хоразм зодагонлари даврига бoриб тақалади. Қорақалпоғистон саукаллasi чизикча билан тўрт қисмга ажралади. Учида тиғи ва пешанада қимматбаҳо тоши бор бош кийимлари Ўрта Осиёда XX асргача кийилган.

Умуман олганда, ушбу минтақада яшаган заргарлик буюмларини уч тоифага ажратиш мумкин:

— “баргак” — бир қаторли таркибий қисм, бўғин, занжир;

— “илдирғич” — турли конфинурациялардан иборат, мураккаб таркибга эга бўғин;

“сунсула”— горизонтал занжирлар билан уланган кўп қаторли лента.

“Баргак” тури матога тикиб қўйилган, бир бирига мустаҳкам уланган темир ленталар киради. Уларга ҳар хил осилчоқ ва солинчоқ осиб қўйилади. Одатда баргакларни Тошкентлик, Самарқандлик ва Хўжандлик усталар ясаган. Мутахассислар фикрича, баргак усули энг қадимгилардан ҳисобланади. Бухорода хунармандлар мумсимон мода, зар қоғоз ва

кимматбаҳо тошлардан унумли фойдалданганликлари туфайли баргак усулидаги буюмлар жозибали бўлган.

XIX — XX асрлар бошида Хоразмда ясалган тож ва тиллақошлар хилма-хил ва ранг-баранг бўлиб, тўсиқ учун ишлатиладиган бўёқ билан қопланган.

“Илдирғич” деганида мураккаб конфигурацияга эга, бир неча жойда уланган ленталарни назарда тутамиз. Бу усул Хоразмда кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир элементнинг катталигини кўрсатар эди. Ҳар бир бўғиннинг баландлиги 9-11 см тенг.

Ленталарнинг “сунсула” турига “занжир” номини бериш мумкин. Иккита —учта кичик занжир уларнинг асосини ташкил этган. Буюмни ўрганиш пайтида қолипланган ва оғир деталларни кўриш мумкин. Аммо биргаликда улар нозик ва ихчам безакни ташкил қилади. “Сунсула” бош кийимига ҳашаматлилик ва маҳобатлилик баҳш этади.

Хоразм заргарлари фаолиятига келсак, айтиш жоизки улар серҳашамлилик, дабдабалилик, башанглик ва жимжимадорликни яхши кўришган. Хоразм безак ва зеб-зийнатлари орасида “ўқ-ёй”, “ярим-тирноқ”, “манглай-тузи” кабилар бежиз кенг тарқалмаган. Шу билан бирга моҳир усталар масала ечимини топиш ва гўзалликка эришиш учун нафислик, нозиклик, нафосат, латофат ва бежиримликка интилишган. Агарда ясалаётган буюм иншоотларнинг ички қиёфасини, бадий безалган ва жиҳозланган кўринишини яхшилашга қаратилган бўлса, улар одмилик ва сиполикка интилишган. Заргарлик буюмларини яшаш учун XIX аср охири ва XX аср бошида фаолият кўрсатган хоразмлик усталар олтиндан ташқари кумуш, биринж, ёқут, рубин, феруза, сердолик, марварид, садаф, чиғаноқ ва рангли шишалардан фойдаланишган.

Қадимги Хоразм фаолият кўрсатган истеъдодли ҳунармандлар аскарлар шлемларига юзни ёпиб турувчи пластиналарни ихтиро қилишган. Яна шуни айтиш жоизки, Бухоро ва Хивада пешанага тақадиган медальонлар ҳам кенг тарқалган эди.

Хоразм заргарлик санъатини ўз вақтида тадқиқотчи Д.Фахретдинова ўрганган. Унинг фикрича, хайкалчаларни яшада буддизм динининг таъсири кучли бўлган. Бунга Фаёз-тепадаги қадимги ёзувлар ҳам яққол исбот сифатида хизмат қилиши мумкин.

XIX асрда келиб заргарлик санъати Бухоро, Хива, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қарши, Шахрисабз, Китоб, Чимбой, Тўрткўл, шунингдек Урганч, Ғиждувон, Андижон, Номонгон, Марғилон, Асака, Чуст, Ургут, Бойсун, Денов, Хожаобод, Қўнғрод, Халқобод, Хожейли, Косонсой, Учқўрғон, Нурота, Шеробод шаҳарларида яхши ривожланади.

Ҳар бир заргарлик буюмларини ишлаб чиқишда аввалдан ўз усуллари мавжуд бўлган. Заргарлик буюмларини яшада паст бўйли, қўлда ясалган призма шаклидаги темирчилик печидан фойдаланишган. Ўчоқни юқори қисмида кўмир ташлайдиган ўйилган жойи бўлган. Ўтни олдириб, оловни ёндириш учун қўй терисидан ясалган дам солувчидан фойдаланилган. Дам солғич бир-бирига бириктирилган иккита конусни эслатади. Мураккаб ишларни бажаришда заргарлар найсимондахандамни ишлатишган. Кумуш ва олтинни эритиш учун оловбардош ғишт ва лойдан ясалган ўтга чидамли гилдан қилинган қозондан фойдаланишган.

Усталар ишини осонлаштириш учун турли калибрдаги омбурча ва қисқичлар, қайчилар, болғачалар ҳамда сифатли сандон керак бўлган.

— “Иш қуролинг бўлса соз, машақатинг бўлур оз” — дейди доно халқимиз.

Заргарларни икки асосий тоифага ажратиш мумкин. Бу — “зираксозлар” ва “узуксозлардир”.

Зиракларни уч тури мавжуд: халқасимон, илғаксимон ва стерженли. Уларга ой шаклидаги ва бошқа кўринишдаги безаклар тақилган бўлиши мумкин. Қадимда қашғарлар томонидан келтирилган қашғарча зираклар ўзига хос нақш билан безалган.

Илгаксимон зираклар уч тоифадан иборат. Бу битта шокилали зираклар, кубба шаклидаги осилчоқли ва бир неча вертикал солинчоқ (пластина) осилган зираклар.

Стерженли ёки “қипчоқ” зирагини асосан,дашт ва ёвонларда яшайдиган халқлар тақишган. Хива шаҳри аҳолиси эса ўзига хос бурама гажакли зирак тақишни ёқтирган.

Умуман олганда, Ўрта Осиё халқларининг зеб-зийнатлари талайгина. Улар нафақат хилма-хил, балки ранг-барангдир. Бизнинг ота-боболаримиз заргарлик буюмларини тўплашни, тўй ва ҳашамларда тақишни ўзларига эп кўришган. Танти инсонлар сочга ҳам етарли даражада аҳамият беришган. Соч инсонга хусн бахш этади, деб бежиз айтишмаган.

Масалан, қирғизлар боласи йўқ аёлни “қуу баш”, яъни “сочи йўқ” деб аташган. Фертил ёшдаги аёл эса сочларини ёмон кўздан асраши лозим эди. Шу билан бирга соч пардоз талаб қилишини ҳам ҳеч қачон унутишмаган. Сочларни бўйаш, уларга чиройли тўғнағич тақиб юриш гўзал ва дилрабо аёлларга одат эди. Аёлга бу жозиба бахш этган. Баъзилар тақинчоқ кўз тегишидан асрайди дейишса, бошқалар аёл серфарзанд бўлишига сабабчи бўлади, деб ҳисоблаганлар.

XIX асрда Ўрта Осиёда яшаган халқлар кокилга тақадиган заргарлик буюмларининг турлари талайгина эди. Ёш қизлар ва келинлар асосан сунъий кокилдан фойдаланишган. Турмушга чиққан аёллар бир йил давомида сочларини қизил хинага бўяб юришган. Бу рамзий ишора сифатида хизмат қилар эди.

Попукли рўмолчалар минтақадаги барча халқлар орасида кенг тарқалган. Уларни ипак ва жундан тўқишар, майда мунчоқлар, туморчалар, шиқилдоқлар ва тангалар билан безатишар эди. Натижада, аёл кўчадан кетаётган пайтда ёқимли овоз эшитиб, барча эркак унга маҳлиё булган.

Ташқи кўриниши биланпопукли рўмолчалар уч хил турдан иборат: горизонтал, вертикал ва ярим дойра бўлиб ёйиладиган.

Темирдан ясаладиган безаклар ва шокилаларнинг тўрт хили мавжуд:

— жуфтли бир каторли шокилалар (тез-тез учрайди);

— жуфтли кўп каторли шоркилалар (асосан қорақалпоқлар орасида учрайди);

— мураккаб темир қисмларидан ташкил топган ягона шокила (фақатгина

туркман аёллари осиб юришган);

— ярим доира бўлиб ёйиладиган шокилалар (чолпи).

Ўзбекистоннинг баъзи худудларида кокилни солишга мўлжалланган қопчалардан ҳам фойдаланишган. Қопча аёл сочини бегона кўздан яширган. У кўйлак енги шаклида ёки кафт кўринишида бўлиб, сочни ушлаб турган. Ўзбек усталарининг кўли гул, санъати бебаҳо. Азаматлар бу қопчаларни ҳам турли-туман туморлар ва мунчоқлар билан ясатишган.

Шаҳарларда яшаган латофатли ўзбек аёллари чаккадаги жингалак сочларига “найча” осиб юришган. Садаф билан безалган ушбу осма тақинчоқлар бўйи баланд, қадди-қоматли аёлларга чирой бахш этган.

Айрим аёллар кўкракларига ва хаттоки белларига чиройли зеб-зийнатларни осиб юришган. Бугунги кунга келиб бундай ҳолатни учратиш жуда қийин. Унутилиб кетган расм-русумларимиз яна қайтадан тикланса ажаб эмас.

Ўрта Осиё халқларида, айниқса Фарғона водийсида тўйдан олдин келингамарварид маржон ҳадя қилиш одат тусига кирган. Баъзи ҳолларда танга-чақалардан, садафдан ёки кумуш пластиналаридан ясалган маржон совға қилинган. Бадавлатроқ одамлар белга тегиб турган зеби-гардон совға қилишган.

Айтиш жоизки, дунёнинг кўпгина халқларида маржон бир қатор гавхардан ёки бошқа тошлардан иборатдир.

Тилла буюмларни кутида сақлаш эски замонлардан сақланиб келган удум. Кумуш, мис ёки биринждан ясалган уч ва тўрт бурчакли қутиларда муқаддас нарсаларни, китобларни ва зеб-зийнатларни асрашган.

1.4. Ўзбек ёғоч ўймакорлиги нақшларини ўрганиш

Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлиги санъатининг ривожланиш тарихи:

Амалий санъатнинг тарихий келиб чиқиши инсониятнинг болалик даврига бориб тақалади. Башарият улғайиб борган сари амалий санъат ҳам юксала борди. Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориши жараёнида қўл меҳнатидан ақлий меҳнат ажралиб чиқа бошлади. Ов қуроллари, уй-рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёж кучайиб борди. Аввало тош ўймакорлиги, суяк ўймакорлиги... кейинчалик эса ёғоч ўймакорлиги ҳам секин-асталик билан ўз ривожини топди. Археолик казиш ишлари натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган ёғоч ўймакорлиги топилмалари мазкур жойларда, бир ярим минг йил муқаддам санъатнинг бу турини яхшигина ривож топганлигини олимларимиз ўз изланишларини маҳсули сифатида исбот этиб беришди. Ҳали-ҳануз бундай ноёб топилмалар нафақат Сурхон воҳасида, балки Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Фарғона водийсидаги Сўғд ва бошқа қадимий шаҳар, қишлоқлардан V-VI асирларга тегишли бўлган санъат асарлари топилмоқда.

Коинот бўйича текшириш олиб борган, астронимия, геометрия ва тригонометрияга оид рисоалар муалифи Абу Райҳон Берунийнинг меморчиликка хисса қўшгани шубҳасиздир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, архитектура билан боғлиқ амалий математика ва геометрия доимо меъморлар эътиборида бўлган.

VII-VIII асрларнинг бошларига келиб кўшк, қўрғонлар, шаҳарларга ибодатхоналар ва саройлар қурилди. Бу даврда ёғоч ва ганч ўймакорлиги янада ривож топди, деворий расмлар ранг-баранг бўлишига эътибор қаратилди, буни Афросиёб, Варахша ва Юмалоқ тепа сингари маданий ёдгорликларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби санъат асарлари, сўғдийлар маданияти бизга, ўша даврларда жумҳуриятимиз ҳудидида яшаган халқлар қўшни халқлар билан савдо-сотик олиб борган, бу эса бизга қўшни халқлар билан ҳам маданий алоқада бўлган дейиш

имконини беради. Араблар Ўрта Осиёни заб эткунлари қадар маҳаллий халқ маъбудалари топилган. Ҳар бир хонодоннинг жамоада тутган ўрни ва бойлигига қараб, ўз маъбудаси (худоси) бўлган. Одатда бу маъбуда эшик тепасига қўйилган. Хонодон соҳиби мавриди билан ёғочдан ўйилган янги маъбудани харид қилиб, алмаштириб турган. Бундай жараён ёғоч ўймакорлиги санъати қадимий бўлганлигидан далолат беради.

Араблар истилоси оқибатида тасвирий санъатнинг кўп турлари қатори ёғоч ҳайкаллар ишлаш ҳам буткул барҳам топди. Бироқ Ислом дини бу санъатни таг-туғи билан йўқота олмади. Ёғоч тарашловчи уста наққошлар ўз санъатини ёғочда, дов-дарахтлар аксини ифодалаш, оддий чизиқлардан мураккаб геометрик шакллар ясашда намоёиш этдилар. Усталарнинг санъати отадан-болага, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаверади.

Ислом дини кириб келган илк даврларда қабир устига ёдгорлик қўйиш ман қилинган, бу қаби қонунларга омвой ва аббосийлар илк ҳукумронлиги даврида риоя қилинган. Аммо, кейинчалик араблар жумҳуриятимиз худидида дастлаб масжидлар, қурдирдилар, қадимий ибодатхоналарни масжидларга айлантирдилар. Бунга мисол қилиб Бухоронинг Моҳ бозоридаги ибодатхонани олиб кўришимиз мумкин. Ниҳоят архитектура ва амалий безак санъатида, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида жонланиш бошланди. 862 йилда Ал-мантасир ва Фотиддин сўнг рухонийлар фатвоси билан «Амир ал-маъман»га атаб мақбара бунёд қилинди. Сўнг Шарқнинг Ислом тарқалган бошқа мамлакатларида ҳам шу қаби ёдгорликларни қурдириш расм бўлди. IX-X асрларда қурилган, Бухородаги Самонийлар мақбараси ҳам шулар жумласидандир. Бу мақбара Ўрта Шарқдаги энг қадимий мақбаралардан биринчи бўлса, иккинчиси эса биз юқорида қайд қилиб ўтган Самарқанд тоғларида жойлашган Тим қишлоғидаги турли нақш-нигорлар билан безаб ишланган “Араб ота” – “Араб ал-маъман” (“Араблар хомийси”) мақбарасидир.

1960 йил бошларига келиб шоир ва жўғрофия олими Фарғона педагогика институтининг профессори Николай Лионов томонидан кашф қилинган бу мақбаранинг пештоғига битилган нақшинкор арабий битиклардан маълум бўлишича, бу мақбара хижрий 367, мелодий 977 йилларга тегишлилиги аниқланди.

Ислом дини тирик мавжудотларни тасвирлашни қатъий маън этгани туфайли тасвирий санъат ривожига имкон беради, фақат амалий безак санъати ривож топди. Масжид, мақбара, сарой, мадрасалар турли-туман нақшу-нигорлар билан безатила бошлади.

VIII-IX асрларда айникса Бухорода бадий хунармандчилик кенг кўламда ривож топиб борди. IX-X асрлардан гириҳ санъати юксалди. Араб ёзуви безак-нақш даражасига кўтарилди. Масалан, шу даврларда кўфий ёзуvidан кенг фойдаланилган бўлса, XI-XII асрлардан эса насх ёзуви меморчиликда кенг-кўламда ишлатила бошланди.

Маданият ривожланиб борар экан, ажойиб меъморчилик ёдгорликлари қад ростлаб борар экан, ўз-ўзидан бундай ёдгорликларни миллий нақшинкор безаклар билан безашди, шу жумладан дарвоза, эшик, устун ва равоқлари ёғоч ўймакорлиги билан безатилди. Бу эса ёғоч ўймакорлигини тез суръатлар билан ўсиб боришига имкон яратиб берди. Ўймакор усталар булардан ташқари уй-рўзғор буюмларини безашда ҳам ўз санъатларини моҳирона намоёниш этишди. Усталар томонидан турли хил столлар, курсилар, хонтахталар, лаганлар, лаухлар, сандиқлар, қутичалар, қаламдонлар ва ҳоказалар яратилди.

Бу вайронагарчиликларга XIV асрнинг иккинчи ярмида саркардамиз Жоҳонгир Амир Темур Ўрта Осиё халқларини бирлаштириш орқали, чек қўйди ва халқимизнинг маданияти, санъати, шу жумладан, ёғоч ўймакорлигининг ривожига ўзи қурдирган обидалари, осор ва атиқалари билан ҳисса қўшди. Самарқандга йирик-йирик санъаткорлар, шоиру-уломаларни, хунарманду-усталарни тўплаб, кўплаб жоъме масжидлари, мадрасалар, хонақоҳлар, саройлар ва бошқа улкан иншоотлар қурдирди.

Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар ўртасида бўлган ўзаро тўқнашувлар туфайли маданият ривожига салбий таъсирини ўтказди.

XVI асрда архитектура иншоотларнинг кўриниши янада такомиллашди, кўплаб жамоат бинолари, карвонсаройлар, кўприklar, сардобалар, шаҳарларда ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари қурила бошланди. Монемунтал биноларнинг тарихий қиёфаларига ўзгартиришлар киритилди, хунармандларнинг артеллари вужудга келди. Жоъме масжидлари сарой типигаги серхашам қилиб қурилди, гузар ва маҳаллаларга масжидлар қишлоқ ва ёзлик қилиб қурилиб, катта айвонлар ўйма устунли ва эшиклари ҳам ўйма безаклар билан безатилди.

XX асрга қадар саънат асарлари турли қирғинборот туфайли вайроналар остида қолган бўлса, шу асрга келиб «қизил кўланка» остида қолди. Халқимизнинг ўқимишли, билимдон, зиёли фарзандларини турли сабабларни рўқач қилиб қатағон қилишди. Хунарманд усталарни эса шахсий бойлик орттиришда айблаб фаолиятлари тўхтатиб қўйилди. Бироқ халқимизнинг фидоий фарзандларидан ижодкор усталар уста Ширин Муродов, Мирҳамид Юнусов, Шамсиддин Ғофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, Қули Жалилов, Сулаймон Хўжаев, Ҳайдар Нажмиддиннов, Тошпўлат Арслонқулов, Мақсуд Қосимов, Маҳмуд Усмонов, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Маҳмуд Облақулов, Абдулла Болтаев, Қодиржон Ҳайдаров, Ота Полвонов, Абдураззоқ Абдурахмонов ва бошқалар ўз хунар сирларини мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда ёшларга ўргатишни йўлга қўйдилар. Кейинчалик эса ўз услуби, йуналишига эга бўлган Хива, Самарқанд, Бухора, Тошкент ва Қўқон каби йирик ёғоч ўймакорлик мактаблари ривож топди. Ўзбек нақшлари ўзининг чиройи билан жуда машҳур бой кўринишга эга. Унинг нақшларида қадимий маънолар мужассам. Олимларимизнинг тинимсиз изланишлари натижасида қадимий нақшларнинг маъно мазмунини аниқлаш, уларни тиклаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. “Нақш” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, безак маъносини беради.

Бундай безаклар амалий санъат буюмларини кўпчилигини безашда қўлланилади. Бугунги кунга келиб амалий санъатда қўлланиладиган ҳар бир нақш ўз чиройига ва қадимий тарихига эга. Одатда, нақшлар атроф-муҳитдаги табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, инсоннинг ижтимоий қунини, унинг орзу-умидлари ва хоҳиш-истакларини намоён қилади. Масалан, ўзбек анъанавий кашталарнинг нақшидаги боғ тасвирининг кўриниши – ривожланиш, бахт-саодат ва омад бағишловчи тимсол ҳисобланади. Боғ ва адирлардаги хуш ҳидли ва ёрқин гулларнинг тасвири халқ рассомларининг ижоди натижасида асар кўринишига ўтиб боради. Ҳар бир гулнинг тасвири ўзгача маъно касб этади: дала бўтақўзи- ёш навқирон йигитни, қизил кўкнори- гўзал қизни, атиргул- тинчлик ва гўзалликни, лола эса- беғуборлик ва тозалик маъноларини билдирган.

Қадимий нақшларнинг орасида оддий буюмлардан кўза, занжир, чойнак каби тасвирлар ҳам учраган. Бундай тасвирларнинг ҳам ўз мазмун моҳияти мавжуд бўлган. Масалан, пичоқ- ёмон куч ва руҳлардан сақловчи, чироқлар эса – атроф муҳитни ёвуз кучлардан ҳимояловчи воситасини билдирган. Бундай нақш композициялари меъморий обидаларни безашда ишлатилган. Бундай расмлар қадимги тарихнинг ёрқин тимсоли сифатида қабул қилинади. Нозик, кўзни қамаштирувчи ва ўзига жалб қилувчи нақшлар ўзбек халқининг қалбини ёритиб беради. Бундай нақшлар инсонни ўз гўзаллиги, миллий колорити билан жалб қилиб эса қолади. Нақшларни келиб чиқиши, белгиланиши бўйича тизимлаштириш мумкин:

Техник нақш, тимсолий нақш, геометрик нақш, ўсимлик нақши, ислимий нақш, каллиграфия нақши, ҳаёлий нақш, юлдузли нақш, манзара нақши, ҳайвонот нақши, буюм нақши, меъморчилик нақши ва ҳоказо.

Ислом динида нақш тасвирларини ишлашда инсон кўринишини тасвирлаш таъқиқланган. Шу сабабли, барча хунармандлар ўз ҳаракатларини ислимий нақшларни кўринишига қаратишган. Халқ амалий санъатини безашда ҳеч бир буюм нақшдан фойдаланмасдан қолмаган. Масалан, керамика, текстиль, чарм ва металлни бадий безаш, ёғоч

ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, мармар ўймакорлиги, мусикий асбобларнинг безатилиши, тикув бумларидаги кашталар ва бошқалар.

Ўзбекистоннинг амалий санъатида ёғоч ўймакорлик санъати аҳамиятли ўринга эга. Шип ва деворларни безашда маълум аниқ тизим мавжуд бўлган. Усталар нақший композицияларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган.

Ёғоч ўймакорлиги бўйича Ўзбекистонда доимий равишда Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ҳудудларида ривожланган.



Расм.1.Ёғоч ўймакорлиги .

Ҳар бир ҳудудда ривожланган миллий мактаб ўз техникаси ва нақшлари билан фарқ қилади. Бу усул йиллар давомида ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган. Ёғоч ўймакорлигининг уч асосий улуи мавжуд: «боғдоди», «ислимий» ва «паргори». “Бағдоди” услуби - ўзида геометрик нақшларни мужассам қилади. “Паргори” услуби – текис рельефли ёғоч ўймакорлиги бўлиб, “циркуль” сўзидан келиб чиққан. Ўймакор нақшларни айлана, учбурчак, тўғритўртбурчак кўринишида чизғич ёки циркул ёрдамида ишлайди. Сўнгра ушбу нақшлар орқали гуллар чизиб чиқилади. “Ислмий” услуби- мураккаб усуллардан бўлиб, аввал уста нақшларни қоғозда чизиб чиқади, сўнгра ёғочда ўйиб ишлайди.



Расм .2.-Ёғоч ўймакорлигидан намуна.

Турли буюмлар турли хил дарахтлардан ясалади, масалан: қорақоч, ёнғоқ, чинор, ўрик дарахти, тут дарахти. Барча дарахтлар ишлатилишидан аввал қуритиб олинади, уларни узоқ муддатга қуруқ хонага жойлаштирилади. Бугунги кунда усталар ёғоч ўймакорлиги бўйича юқори санъат даражасигача эришишди.

II-боб.Тажриба синов қисми


2.1.Ўзбек миллий заргарлик буюмларини тизимлаштириш

Маълум бўлишича, ҳар бир ҳудуднинг ўз заргарлик буюмлари мавжуд бўлган. Ҳар бир ҳудудда пешона чакка буюмлари сифатида ёш келинчак ва зодагон аёллар тиллақошлардан фойдаланишган. Тиллақошлар одатда тилла металлидан тайёрланиб, феруза, ёқут, қимматбаҳо тошлар ёрдамида безатилган. Кўкрак қисми безаклари сифатида эса асосан, учбурчак, тўғритўртбурчак кўринишидаги туморсифат зебигардонлардан, осма мунчоқлардан фойдаланилган. Аслида бу безак, авваллари ёвуз кучдан асраган, кейинчалик эса аслзода аёлларнинг табақасини билдириб турувчи безакка айланган. Қулоқларга турли шаклдаги тилла, кумуш зираклар тақилган. Тошкентда узунчоқ шаклда, Фарғонада эса ёй шаклидаги зираклардан фойдаланилган. Шунингдек, аёллар билакларини билагузук ва бармоқларини узуклар безаб турган.

Тошкент-Фарғона ҳудудлари бўйича заргарлик буюмларининг турларини тизимлаштириш

1-жадвал

<i>Пешона чакка безаклари</i>	 <i>Тиллақош Тошкент-Фарғона</i> <i>Тиллақош Тошкент диадема 1880-йиллар</i> <i>XIX-XXаср</i>
<i>Кўкрак қисми безаклари</i>	 <i>Тумор.ТошкентXIX аср</i>  <i>Тошкент-Буйин-тумор.</i> <i>Тошкент XX аср</i>
<i>Зирақлар</i>	

	 <i>Тошкент-Фаргана XIX аср Тошкент 1983 й.</i>  <i>Тошкент XIX аср Фаргана XIX аср.</i>
Билагузуклар	 <i>Тошкент XIX аср Билагузук Тошкент 1977 й. Билагузук Тошкент 1977 й.</i>
Узуклар	 <i>Тошкент-Фаргана XIX-XX асрлар Тошкент 1977 й.</i>

Бухоро-Самарқанд ҳудудлари бўйича заргарлик буюмларининг турларини тизимлаштириш

Пешона чакка безаклари



Бухоро XIX аср Самарқанд XIX аср



Тилла-баргак Самарқанд XIX аср охири Гаджак. Бухоро XIX аср охири



Балдоқлар Бухоро XIX аср Бибишак Бухара XIX аср охири-XIX аср боши



Сар-сузан Бухоро XX аср бош


<i>Кўкрак қисми безаклари</i>	<i>Самарқанд XIX аср</i> <i>Бухоро XIX аср</i> <i>Тавк Бухоро XIX аср охири</i>
<i>Зираклар</i>	<i>Бухоро XIX аср боши Халка-и-мхаммади Бухоро XIX аср охири</i> <i>Бухоро XIX аср охири Бурун сирғаси Самарқанд XIX аср охири</i>
<i>Билагузуклар</i>	<i>Бухоро XIX аср Самарқанд XIX аср охири</i>

	  <i>Самарқанд XIX аср Бухоро XIX аср</i>
Узуклар	 <i>Бухоро XIX аср</i>

Хоразм ҳудудлари бўйича заргарлик буюмларининг турларини тизимлаштириш

Пешона чакка безаклари	 <i>Хоразм XIX аср охири Хорезм XIX аср.</i>  <i>Ук-ей Хоразм XIX аср Хоразм XIX аср Бодом-ой XIX аср.</i>
Кўкрак	

**қисми
безаклари**



Шокилда XIX-аср бошиXX аср. Бутунтирнок XIX-аср бошиXX аср.



Калитбоги XIX-аср бошиXX аср.

Зираклар



Хоразм XIX аср. Ярим-тирнок ХоразмXIX аср охири.



Бодомой XIX-XX аср боши. ХоразмXIX-XX аср боши.

Билагузуклар

	 <i>Билагузук. Хоразм XIX аср</i>
<i>Узуклар</i>	 <i>Хоразм XIX аср.</i>

Қорақалпоғистон худуди бўйича заргарлик буюмларининг турларини тизимлаштириш

<i>Пешона чакка безаклари</i>	 <i>Кемишек. Қорақалпоғистон XIX аср</i>
--	--

*Кўжрак
қисми
безаклари*



Хейкель Қорақалпоғистон XIX- аср. XX аср боилари.

Зираклар



XIX аср- XX аср боилари



Бурун учун Булоқи зираклар XIX сар боилари

Билагузуклар



	<i>Билагузуклар XIX аср –XX аср бошлари</i>
<i>Узуклар</i>	 <i>XIX аср – XX аср бошлари</i>

**Қашқадарё – Сурхондарё ҳудудлари бўйича заргарлик
буюмларининг турларини тизимлаштириш**

<i>Пешона чакка безаклари</i>	
<i>Кўкрак қисми безаклари</i>	 <i>Қашқадарё - Сурхондарё XIX аср –XX аср бошлари</i>

Зираклар



Энкепти- Сурхандарё XX аср боилари.



Сурхандарё- Қашқадарё XIX аср – XX аср боилари

Билагузукла



Қашқадарё-Сурхандарё XIX аср – XX аср боилари

Узуклар



2.2. Ўзбек миллий заргарлик нақшларини услублаштириш

Барчага маълумки, бугунги кунда қадимий заргарлик буюмларини тақиш урф эмас. Шундай экан, дизайнерларнинг бош мақсади анъанавий кўринишдаги заргарлик буюмларини услублаштириб, уларни шаклидан, нақшидан, рангидан, металлдан илҳомланган тарзда янги кўринишдаги заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш долзарб ҳисобланади. Заргарлик буюмларида ҳам янги нусхадаги дизайн намуналарини яратиш учун ижод манбаига муроҷжат қилиниши лозим. Ҳозирги кунда нафақат тилла, кумуш, каби қимматбаҳо металллардан, балки ёғоч, сим, турли хил мунчоқ, занжир каби буюмлардан ҳам аксессуарлар тайёрланиб келимоқда. Аммо шундай аксессуарларни тайёрлашда миллийликка эътибор бериш, қадимий анъаналарни унутмаслик, уларни келажак авлодга етқизиш, уларни янги замон руҳида яратиш асосий мақсадлардан биридир.

Ушбу тадқиқот ишида либосларга безак берувчи аксессуарлардан заргарлик буюмларига эътибор берилди. Ва айнан заргарлик буюмларини ишлаб чиқишда янги руҳда услублаштириб, ёғоч ўймакорлиги натижасида ислимий нақшлардан фойдаланиб, қадимий заргарлик буюмлари кўринишида ишлашга ҳаракат қилинди.

Бу жараён мураккаб ҳисобланиб, бир неча босқични амалга оширишда иш олиб борилди.

III- боб. Конструктор-технологик қисми

3.1. Ижодий манбани танлаш ва услублаш

Тадқиқот ишини олиб боришда, айниқса дизайнер янги намунани яратишдан аввал албатта, ижод манбаига мурожаат қилади. Ижодкор одам ижод манбаи ва асосий ғоясиз ишлай олмайди. Дизайнер учун даставвал янги ғоя ҳаёлига келади ва айнан шу ғоя асосида ижод манбаини излашни бошлайди. Ижод манбаи яратилаётган буюмни асосини ташкил қилиб, шакли, ранги, ҳажми, фактураси, структураси жиҳатидан яқин бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқот ишида бош ғоя қилиб аёллар либосига безак беришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш эди. Иш бошида матонинг фактурасига, унинг устидаги нақшларига, заргарлик техникаси, кўрок, кашта, батик усулларида фойдаланиш, маржон, тўр, бисерлар билан безак бериш йўллари кўриб чиқилди. Аммо аёл кишини ҳар бир даврда нафақат либос, балки унга қўшимча бўлган заргарлик буюмлари ҳам безак беришини таъкидлаш лозим.

Заргарлик буюмлари ҳар бир даврда аёлга гўзаллик, башанглик бериб турган. Оддий, сипо кўйлақлар учун эса қўшимча безак вазифасини бажарган.

Ушбу тадқиқот ишида ижод манбаи сифатида анъанавий безакларимизнинг асл шакли, ислимий нақшлари, ҳажми бўлди. Уларни услублаштириш, янги кўриниш бериш, мураккаблаштириш ишлари олиб борилди. Натижада, аёлларга янада кўрк баҳш этувчи ҳажмий жиҳатдан катта бўлган ноёб заргарлик буюмлари ишлаб чиқилди.

3.2. Либослар тўплами дизайн лойихасини ишлаб чиқиш

Бугунги кунда мамлакатимиз енгил ва тўқимачилик саноати юқори даражада жиҳозланган кўп тармоқли йирик саноат комплексини ташкил қилади. Бу ерда пахта толаси, ип-калава, газлама, пайпоқ буюмлар, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори сўнгги йилларда тармоқни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастур доирасида янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, жумладан, интеграциялашган тўқимачилик комплекслари ташкил этилмоқда. ***Прет-а-порте услуби тарихи:*** 1950-йилдайоқ мода оламида услуб ҳақида маълумот бўлган, кейинчалик бу ҳозирги мода оламига кўчирилди, тайёр либосларга талаб ортди. Шунда “Прет-а-порте” йўналиши яъни услуби пайдо бўлди. (Pret-a-Porte, маъноси “Кийиш учун тайёр либос” деган маънони билдиради) сифатли, кўркам, содда ва чиройли либослар тўпламидир.



Расм 4

Преде-парте –бу тайёр ва юқори сифатли кийимлар тўплами бўлиб, бу ном таниқли мадельер ва таниқли марка номига берилган. 1948-йилда мода оламида тайёр либослар йармаркаси биринчи марта Дюсселдорфе

шаҳрида бўлиб ўтган, 1951-йилда аёллар либоси тақдимоти Флоренсияда, 1956-йилда эса Парижда биринчи Преде-парте номли салон очилган. Бу шаҳарларда йилда икки маротаба либослар тақдимоти бўлиб, Дюсселдорфе шаҳрида эса йилда тўрт маротаба либослар тақдимоти бўлган. Париж шаҳрида Преде-парте ҳафталиги бўлиб, унда аёллар ва эркеклар мода салонлари иштирок этган. 1969-йилда Миланда аёллар тайёр либослари тўплами тақдим этилган бўлиб, 1975-йилда эркеклар тайёр либослари кўргазмаси бўлиб ўтган,.

1950-йилдаёқ тайёр кийимлар маркаси қўлланилган бўлиб, мисол учун Германияда “Клаус Штайльманн”, Италияда “П. Мардзотти” маркалари қўлланилган. Натижада янги соҳа пайдо бўлди, бу- дизайнер (стилист) касби бўлиб, у либослар билан шуғулланувчи соҳа, асосан мода оламида услубларни яратган. Францияда Жак Эстерель деган машҳур дизайнер стилист бўлиб, у обрўли кишилардан бири бўлган. Жак Эстерель 1962 йилда ўз фирмасини очган, ўша пайтнинг машҳур актёри Даниель Эштер хамда актриса Брижит Бардо ўз тўйларига Жак Эстерель либосларидан олиб кийишган. Жак Эстерель кутюрьни кексалар либоси деб ҳисоблаган.

Тайёр кийимларда янги синтетик матоларни қўллай бошлашган, биринчи марта нейлон (унинг ҳосилалари –перлон, дралон, капрон) дан фойдаланишган. Кўп миқдорда қимматбаҳо шойи хамда шерсть матолардан, камроқ ҳажмда эса нейлондан фойдаланишган.

3.3. Мато танлаш ва асослаш

Лойиҳалаштирилаётган либосга мато унинг бадиий тасвирининг мукамаллиги учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, материал эксплуатация ҳудудининг иқлимий шароитига мос бўлиши керак.

Либос мўлжалланган ҳудуд ўрта осие шароити учун мўлжалланганлиги сабабли материалнинг гигроскопик, гигиениклик, ҳаво ва сув ўтказувчанлик, хусусиятлари юқори кўрсаткичли бўлиши керак.

Устки кийим учун мўлжалланган духоба матосига қўйиладиган асосий талабларга шакл ишлай билиш, ҳаво ўтказувчилик, бўёқ мустаҳкамлиги кабилар киради

Таклиф қилинган моделга асос материал сифатида такиби 100% пахта толадан ташкил топган ҳамда табиий боёқ билан боялган “духоба” матоси танланди.

Либослар тўпламида бархат матосидан фойдаланилган бўлиб, бархат (инглизча “velvet” ва французча “velours” сўзидан олинган бўлиб)- қирқилган тукли мато деган мановни билдиради. Бархат матосининг ватани Италия шаҳри ҳисобланади, XIII асрда бу мато шу шаҳарда ишлаб чиқарила бошлаган бўлиб, албатта бу мато жуда бежирим ва қимматбаҳо мато бўлган. Шунинг учун ҳам бу матони фақатгина бой зодагонлар кийишган, бу матонинг ўзгача бежиримлиги учун шу кунгача фойдаланиб келинади.

Бархатдан тикилган кийимлар башанг либослар қаторига киради. Бундай либослар ҳеч иккиланмасдан байрам-кечаларга кийиб бориш мумкин. Қадимда бу матони табиий толалардан тўқишган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса бархат матоси суний толалардан ҳам тўқилади.

Тукларининг узунлигига қараб бархат ҳар хил ном билан аталади, энг узун тукли бархат **духоба(плюшем)**, ундан қисқароғи **плисомёки велвет** деб номланади. Юпқа бархат матоси **манчестер**, жун таркиблиси эса **трипом**, нақшли бархат матоси **муар** деб аталади.

Таркибидаги толаларнинг турига қараб бархат шойи, пахта, шерсть таркибли бўлади. Бархат матосининг турлари жуда кўп бўлиб, уларнинг хаммаси бир-бирига ўхшаш бўлади. Бархат матоси бир-икки ёки ундан ҳам кўпроқ рангда бўйалади, асосан икки хил ранг кўп қўлланилади. Чунки икки хил рангда товланувчан бўлиб чиқади.

Бархат матоси бошқа матолардан ўзининг товланиб туриши билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам бу матони тикиш технологияси оғир бўлса ҳам, одамлар жуда кўп кийишади. Бу мато XIXасрда энг модни ва энг елегантни мато хисобланган.

3.4. Конструкция усулини танлаш ва асослаш

Аёллар замонавий кўйлаги бўлганлиги сабабли биз раҳбаримиз тавсияси билан ягона методика “СЭВ” методикасини танладик. Бу методикани танлашимиздан мақсад бу методика барча стандартларга жавоб беради. Бу методикада аёллар кўйлаги яхши ўрганилган ва аёллар қоматида таййор либос жуда чиройли туради.

Ишлаб чиқиладиган либос аёлларга мўлжалланган бўлганлиги сабабли, аёллар нозик табиат ва нозик дид соҳиби бўлиб уларга нарса танлаш мураккаброқ СЭВ методикаси эса ҳамма талабларга жавоб беради.

Бу методика бошқа методикаларга нисбатан мураккаброқ ва ишлаб чиқиш ҳам анчайин мураккаб, бунда ўлчамлар беҳато ва аниқ берилади.

Методика кўплаб формулаларни ишлаб чиқиш орқали чизилади, ҳаммаси ҳисоблаб чизилганлиги учун жуда аниқ чиқади. Бу методика орқали нафақат аёллар кўйлаги, балки эркаклар ва болалар кийимлари ҳамда трикотаж матоларидан кийимлар яратиш мумкин.

Бу методика бир неча Россия профессор мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, шулардан профессор Е.Л. Афансеевна, Л.П. Баранина, Н.Ф. Черковски ва бошқалар методика устида ишлашган.

3.5. Моделлар таснифи

1-Моделга тавсиф

Биринчи модел замонавий аёллар кўйлаги. Кийим башанг кўйлак бўлиб, бахор-куз мавсумига мўлжалланган. Кўйлак тўғри силуэтли, кўйлак баддий безатилган. Безак асоси Ўзбек миллий заргарлик буюмларини услублаштирилган ҳамда ёғоч ўймакорлиги уйғунлаштирилиб ясалан.

Кўйлак рельеф бичимли, узунлиги тиззагача бўлиб, енги тирсакдан узунроқ тор бичилган.

Ёқасиз бўлиб, олд бўлак уч қисмдан иборат. Битта олд бўлак ва иккита олд ён бўлакдан, Орт бўлак худди шундай бўлиб, битта орт бўлак ва иккита орт ён бўлакдан иборат.

Енги ўтказма енгли бир чокли узунлиги тирсакдан озгина узунроқ яни 3/4 енг. Юбка қисми белдан тиззагача узунликда ҳамда ярим айлана шаклда бичилаган.

2-Модельга тавсиф.

Иккинчи модел башанг аёллар кўйлаги. Замонавий ва жуда қулай либос. Бахор-куз мавсумига мўлжалланган. Либос қора рангли бархтва сетка матосидан тикилган. Кўйлак тўғри силуэтли шаклда, кийим баддий безатилган. Безак асоси Ўзбек миллий заргарлик буюмларини услублаштирилган ҳамда ёғоч ўймакорлиги уйғунлаштирилиб ясалан.

Кўйлак тўғри бичимли, узунлиги тиззагача енги фанарик енг учига манжет уланган.

Ёқасиз, олд қисми битта олд бўлакдан иборат бўлиб витчка қилинган, орт қисми ҳам битта орт бўлак ва витчка қилинган.

Енги фанарик енг узунлиги 3/4 узунликда. Либос соддароқ кўринишда, сабаби жуда ҳам чиройли ва бежирим тақинчоқ билан безатилган.

3-Моделга тавсиф

Учинчи модел хам аёллар замонавий кўйлаги бўлиб, башанг либос хисобланади. Бахор-куз мавсумига мўлжалланган. Либос оддий кўринишда, сабаби тақинчоқ билан безатилган. Тақинчоқ эса тилла рангда бўлиб либосга ўзгача чирой бахш этган.

Ёқасиз, олд қисмига витчка қилинган елкадан бел қисмигача узунликда. Орт қисми хам витчка қилинган елкадан бел қисмигача узунликда. Юбка қисми ярим айлана бичимда ва олд қисмига тахаламга йиғилган.

Енги ўтказма, калта енг бўлиб, тахламага йиғилаган. Либосни бадий безатишда зираклар ва бўйнига тақиладиган тақмчоқ безатилган. Безак миллий заргарлик буюми, яъни Хоразм худудига тегишли “манглайдўзи” услублаштирилиб ясалган. Услублатиришда ёғоч ўймакорлигидан фойдалалниб ясалган.

4-Модельга тавсиф

Либос башанг либос бўлиб, бахор-куз мавсумига мўлжалланган. Ним ёпишган шаклда. Узунлиги тиззагача узунликда.

Олд қисми олд бўлакдан иборат витчка билан қоматга мослаштирилган. Орт қисми хам орт бўлакдан иборат бўлиб, витчка қилинган.

Юбка қисми айлана бичимли бўлиб, бел ва этак қисми бурмага йиғилган. Узунлиги белдан тиззагача, юбка этагига қўл чоки билан ишлов берилган. Енги бурмага йиғилган фонарик енг, узунлиги калта енг.

Либос белбоғ билан бадий безатилаган. Безак миллий заргарлик буюми услублаштирилиб ясалган бўлиб, яъни бунда миллий тиллақош беаги услублаштирилган. Бу жараёнда ёғоч ўймакорлигидан фойдаланилган. Белбоғ тақилмаси бархат матосидан уланиб тайёрланган.

5-Модельга тавсиф

Модель башанг либос бўлиб, бахор-куз мавсумига мўлжалланган. Ёпишган шаклда, узунлиги тўпикгача.

Олд бўлак олд қисмдан иборат витачка билан қоматга мослаштирилган, орт бўлак орт қисмдан иборат витачка қилинган ва орт бўлак бўксадан этак қисмигача шлеф сифатида мато солинган. Либос орт қисмига сетка матоси кўшилган.

Либос енги йўқ енгсиз бўлиб, бадий безатилган. безак зираклар ва бўйнидаги тақинчоқдан иборат. Безаклар миллий заргарлик буюмлари услублаштирилиб ёғоч ўймакорлиги ёрдамида ясалган. Буюм Бухоро худудига тегишли “бўзибанд” деб номланган миллий заргарлик буюми услублаштирилиб ясалган.





3.5. АК, БК хисоблаш ва қуриш учун дастлабки маълумотлар.

Аёллар қўйлаги асос конструкциясини қуриш учун ўлчамлар

176-88-100

2-жадвал

Т/р	Шартли белгиси	Қиймати, см
1.	T1	176
2.	T7	102.9
3.	T9	45.4
4.	T12	73.8
5.	T13	35.5
6.	T14	85.7
7.	T15	93.1
8.	T16	88
9.	T18	67.6
10.	T19	100
11.	T25	105.9
12.	T26	103.9
13.	T29	15.9
14.	T32	44.7
15.	T33	68.1
16.	T34	24.6
17.	T35	33.6
18.	T36	51.6
19.	T38	30.3
20.	T39	17.5

21.	T40	40.2
22.	T44	85.9
23.	T45	33.0
24.	T46	18.9
25.	T47	34.6
26.	T57	9.9
27.	H	0.07

Қўшимчалар

3-жадвал

T/p	Шартли белгиси	Қиймати, см
1.	11-91	2.1
2.	11-21	1.38
3.	11-31	1.41
4.	11-41	1.6
5.	41-51	0.19
6.	31-33	1.05
7.	33-35	3.6
8.	35-37	1.4
9.	31-37	6.05
10.	37-47	0.22
11.	47-57	0.19
12.	47-97	1.3
13.	33-13	1.41
14.	35-15	1.49
15.	33-331	4.5
16.	35-351	4.5

17.	11-12	0.45
18.	12-121	-0.40
19.	31-32	0.5
20.	47-46	0.7
21.	46-36	0.15
22.	36-372	0.7
23.	371 □-361	0.85
24.	36-16	1.35
24.	16-161	0.95
25.	411-470	6
26.	511-570	5.77
27.	351-333	3.35
28.	13-333-93	5.7
29.	13-333-43	3.2
30.	95-931	5.4

3.7.Ишчи хужжатлар.

Асосий таклиф-моделни андозаларни ишлаб чиқиш

Деталлар спецификацияси

5-жадвал

№	Буюм деталларининг номи	Деталл кодининг белгиси	Сони		Изоҳ
			андозалар	деталлар	
1.	Олд бўлак	001	1	1	буклов
2	Олд ён бўлак	002	1	2	-
3	Олд этак қисми	003	1	1	буклов
4	Орт бўлак	004	1	2	-
5	Орт ён бўлак	005	1	2	-
6	Орт этак қисми	006	1	2	-
7	Енг	007	1	2	-

Андозалардаги чок ҳақлари жадвали, Андозаларда назорат кертиклар қўйиш жойларининг рўйхати жадвали, Деталлардаги танда ипи йўналиши ва йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш жадвали, 5.5 Размерлараро ва бўйлараро орттириш кийматлари жадвали, 5.6 Янгимодель тайёрлаш учун ўлчамлартабели жадвали, Сарфи меъёрининг ҳисоби, Танланган модель андозасининг юзасини топиш жадвали, Моделни бичиш жараёнида андозалараро чиқимлар ҳисоби жадвали, Андозанинг бичиш характеристикаси иловада келтирилган.

Хулоса

XIX аср - XX аср бошларида заргарлик буюмларининг шаклларида архаик давридаги сеҳр-жоду билан боғлиқ кўринишлари сақланиб қолган. Буни нафақат миллий заргарлик буюмларида, балки ўзга халқлар тақинчоқларида ҳам кузатиш мумкин. Аммо ҳар бир ҳудуднинг заргарлик буюмларидаги безак ўзгача нафосат ва жилваликка эга.

Ислом бадиий қарашларини асосан, безакда ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир ҳудуд беағи ўзгача шакл тузилиши ва беағи билан бир-биридан ажралиб туради. Уста ҳунардмандлар томонидан нақш шакллариининг безакларини ишлаб чиқиш ва қадимий нақшларни такрорлаш ва услублаштириш бугунги кунда катта қизиқиш уйғотмоқда. Уста – заргарлар бадиий ечимда ўз индивидуаллигини кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Улар ўз асарларида уйғунликни, композицион ва техник ечимини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Тарихий ва замонавий услубдаги заргарлик буюмларини яратишда нафақат нақшларнинг такрорланиши, балки ўзгача нақшни, шаклни ҳосил бўлишига эришмоқдалар. Қадимги заргарлик буюмлари, одатда кумуш, тилла металлдан ясалган бўлиб, улар енгил, бир неча майда элементлардан ташкил топган бўлиб, йирик бўлмаган. Одатда, улардаги безак акцентлари кўзга ташланиб турувчи бўлиб яққол ишланган. Ўзбекларнинг заргарлик буюлари қадимдан битта умумий композицияни ташкил этган кўринишда ишланган. Аммо улардаги башангликка ва рангларнинг уйғунлигига ислом анъаналарининг роли катта бўлган. Усталар ҳар бир ҳудуднинг заргарлик буюмларини яратиш бўйича анъаналарга эга бўлиб, моҳир уста эдилар. Аммо металл билан тошларнинг бирлашуви турли ҳудудларда ўзгача кўринишни берган. Ҳар бир ишланган буюм такрорланмаган. Усталар томонидан тошларга бўлган эътибор катта бўлган. Қимматбаҳо тошлар заргарлик буюмларида камдан-кам ишлатилган. Асосан, сердолик, маржон, фируза ва дур ишлатилган, Бухорода эса берилл, ёқут ва шпинелдан фойдаланилган. Хива заргарлик буюмларида тошлар безак композицияси родини ўйнайди холос. Турли

рангли тошларнинг шакли ёрдамида бирор бир рангли нақш композицияси яратилган. Тошнинг асл хусусияти ва унинг безак сифатлари ёритиб берилмаган.

Бугунги кунга келиб эса нафақат либосларни, балки заргарлик буюмларини ҳам услублаштириш, янги замонга ҳамнафас кўринишда ишлаш урфга кирган. Албатта, тилла, кумуш металларида ясалган заргарлик буюмлари ўз тароватини йўқотмаган. Аммо заргарлик буюмлари билан бирга бижютериаларнинг турли туман кўринишлари ишлаб чиқарилаётганлиги сир эмас. Бижютерияларга назар ташласак, ўзга юртлар анъаналари асосида яратилган безак ва шаклларни кўриш мумкин. Аммо ўзбек дизайнерларининг асосий мақсад ва вазифалари нафақат янги либос намуналарини яратиш, тарихий костюмларни тиклаш, анъанавий бичимлар билан замонавий кийимларнинг ўзаро уйғунлигини ҳосил қилишдир. Улар кийимга безак беришда турли техника ва воситалардан ҳам уддабуронлик билан ишламоқдалар. Жумладан, заргарлик буюмлари ҳам либосга қўшимча безак берувчи, услубни аниқловчи ва аёлларни янада назокатли қилиб кўрсатувчи восита ҳисобланар экан, уларга ҳам алоҳида эътибор бермоқ жоиз. Заргарлик буюмларини тилла, кумуш ёки қимматбаҳо тошлардан эмас, балки ҳар бир оддий фуқаро ҳарид қилиши мумкин бўлган ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган бижютерияларни ишлаб чиқиш ҳам янгилик ҳисобланади. Шундай экан, ушбу тадқиқот ишида либосларга қўшимча сифатида безак учун яратилган буюмлар аёллар кўринишда нафақат миллийликни, балки гўзаллик, башангликни ва ўзгача услубни беради. Тадқиқот ишида илаб чиқилган безаклар оммавий ишлаб чиқаришда ҳам тавсия қилиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов Ислам Абдуганиевич. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. “Маънавият”, 2008.-176 б.
2. Л.В.Ундерова. Узбекская народная одежда конца XIX-XX в.-Т.Фан,1994.
3. М.Н.Мерцалова. История костюма.-М.: Искусство, 1972.
4. Komilova X.X., Xamraeva N.K. Tikuv buyumlarini konstruksiyalash.Toshkent. 2011 y.
5. Д. Фахритдинова. Ювелирное искусства Узбекистана- Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
6. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати .-Т,1991.
7. Г.К.Хасанбоева, О.И.Крымова. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. 1990 й.
8. Комилова Х.Х. Тикув буюмларини конструкциялаш. Тошкент. 2003 й. Электрон дарслик.
9. G.K.Hasanboyeva, M.Sh.Shomansurova. Toshkent. “Yangi asr avlodi”. 2007.
- 10.Hasanboyeva G.To'qimachilik dizayn tarixi-T.:Iqtisod-Moliya, 2006.
- 11.Хасанбаева Г.К., Чурсина В.А. “Костюм тарихи”-Т.:Узбекистон, 2002.
- 12.Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. “Одежда узбеков” Т. Фан, 1978 г.
- 13.Костюм народов Средней Азии (историко-этнографический очерк под.ред. Сухаревой О.А.) М. “Наука”, 1979 г.
- 14.Художественное оформление текстильных изделий.-М.:Легпромбытиздат, 1987.
- 15.Sodiqova N.S.O'zbek milliy kiyimlari XIX-XX asrlar. T.2001.
- 16.Орлова Л. Азбука моды.-М.: Просвещение, 1989.
- 17.Пармон Ф.М. Композиция костюма.-М.:Легпромбытиздат,2002.
- 18.Зелинг Шарлотта. Мода. Век модельеров. 1900-1999.Kone manp, 2000.
19. Балдано И.Ц. Мода XX века: Энциклопедия.-М.:Олма-Пресс, 2002.
- 20.Андреева Р.П. Энциклопедия моды.-С-П.:Литера,1997.
- 21.Бегенау З.Г. Функция, форма, качество.-М.: Мир,1969.

- 22.Ф.Шенер. Кружево. Технология ручного и машинного изготовления.- М.:Легпромбытиздат,1900.
- 23.Н.Т.Климова, О.Г.Федосова, О.Н.Наумова, В.В.Ривкина. Ручная и машинная вышивка.-М.:Легкая индустрия,1980.
- 24.Селютин И.Ю. Оригинальные модели модной одежды. -М.: Изд-во АСТ, 2004.
- 25.Светлова Л.П. Азбука орнамента.-М.:1998.
- 26.Бердник Т.О. Основы художественного проектирования костюма и эскизной графики (серия “Учебники XXI века”), Ростов-на-Дону: Феникс, 2001.
27. Б.Гофман. Мода и люди. Новая теория мода и модного поведения.- М.:Агенство “Издательский сервис”, “Издательство ГНОМ и Д”, 2001.
- 28.Казаринова В.И.Красота, вкусы и экономика.-М.: Экономика,1985.
- 29.Полякова Е. А., Рахимова З. И. Миниатюра и литература Востока. Ташкент, 1987.
30. Gorelik M.. Oriental Armour of the Near and Middle East from the eight to the fifteenth Centuries as shown in works of Art.
 31. The World History of Rashid-ad-Din. – A Study of the Royal Asiatic Manuscript by Basil Gray. London, 1978.
 32. Карабаев У. Наследие Нажмиддина Кубро и его теория “Ілатоиф” // “Санъат”, 2001’ № 4
 - 33.Бартол. В.В. Собр. Соч V 9-ti t.Т..3. М..1963// “San’at”, 2004
 34. Мартинова А.Л., Андреева Е.Г. “ Конструирование Моделирование Одежды»LP. 2002 g. - 196 str.
 - 35.Булатова. Е.Б. Евсеева М.Н. “Конструирование моделирование одежды” ITS“Академия”.2004й.

Интернет сайтлари:

- 36.<http://modellar.fashiontime/>
- 37.<http://www.stylemania.ru/>
- 38.[http:// www/modecentrum.ru/](http://www/modecentrum.ru/)
- 39.<http://wwwfashionpeople.ru/brands/drاند-6.html>.
- 40.referat.mirslovarey.com.
- 41.www.bestreferat.ru
- 42.<http://www.retromoda.ru/styles/romantic/romantic-style.html>
- 43.www.textil-press.ru